



АҲОЛИГА ЯНАДА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
18 август кунги Бекобод шахрида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари ташрифини «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятидан бошлади.

Мамлакатимизнинг энг йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири бўлган ушбу комбинатда қора металл парчалари ва чиқиндилар қайта ишланиб, тайёр прокат маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Президентимиз корхонанинг махсус цехлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Корхонада катта ҳажмдаги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Умумий қиймати қарийб 635 миллион долларлик олти лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Қора металл парчалари ва чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаси шулардан бири. Мазкур лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушгач, 138,2 минг тонна қора металл маҳсулотлари, сирланган идишлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш имкониятини беради, қарийб 3 минг иш ўрни яратилади.

Амалга оширилаётган лойиҳалардан бирига биноан пўлат эритиш ва

қуйиш мажмуасини қуриш ва иссиқ ҳолатда пўлат листлари ишлаб чиқариш ташкил этилади. Мазкур лойиҳани икки босқичда бажариш мўлжалланган.

Шавкат Мирзиёев комбинат ишчи-ҳодимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизиқди.

Яқинда Олмалиқ шахрида бўлди. Олмалиқ ва Бекобод металлургиялар шахри ҳисобланади. Улар Тошкент вилоятининг саноати ривожланган ҳудудларидан. Шундай экан, иккала шахарни ҳам бирдек ривожлантиришимиз, бу ерда яшаётган аҳолини рози қилишимиз керак. Бу борада икки шахар ўртасида ривожланиш мусобақаси эълон қиламиз. 2017 йилнинг 1 сентябридан 2018 йилнинг шу давригача иккала шахарнинг ривожланиш тенденцияларини кузатиб борамиз. Бу икки металлургия комбинати ўртасида эмас, шахарлар ўртасидаги соғлом рақобат бўлади. Бозордаги нарх-наводан тортиб, аҳоли турмуши учун яратилаётган барча шароитлар инobat-га олинади. Янги корхона ишга тушадими, янги иш ўрни яратиладими, барчасини эътиборга олиб бо-

рамир. Бу каби соғлом рақобат икки шахарнинг жадвал ривожланишида муҳим роль ўйнайди, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларга касб-хунар ўргатиш энг катта масала.

Биз ёшларга мактабгача таълим муассасасидан бошлаб замонавий таълим беришимиз, уларни муносиб тарбиялашимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Бекобод шахар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли «Шудринг» номи 5-мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрди. Болаларга яратилган шароитлар билан танишди.

Тошкент вилоятида мактабгача таълим муассасаларининг бугунги ҳолати ҳақида маълумот берилди. Бугунги кунда Тошкент вилоятида 406 мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Уларга 61 минг 755 бола қамраб олинган.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИНГ ФАРҒОНА МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий санъатимиз ва маданиятимизнинг қадимий марказларидан бири бўлган, кўплаб атоқли санъат ва маданият намоёндалари етишиб чиққан Фарғона водийсининг бу борадаги алоҳида ўрни ва нуфузини, ижодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, истеъдодли ёшларни ўзбек ва жаҳон санъатининг юксак намуналари руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилият ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рўёбга чиқариш, Фарғона водийси вилоятлари учун театр, халқ ижодиёти соҳаси бўйича актёрлар, маданиятшунослик ва санъатшунослик йўналишида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таъ-

лим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини (кейинги ўринларда – Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маданият ва санъат соҳасида фундаментал билим ва тушунчалар, тарихий ва замонавий аъёналар, инновация технологияларини, давлат стандарти бўйича белгиланган билим ва малакаларни пухта эгаллаган олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш;

тайёрланаётган мутахассис кадрларга меҳнат бозоридаги реал талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, юқори сифатли билим ва малака бериш;

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148 сонли Фармони асосида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаа, кутубхоначилик, ахборот-ресурс соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мавжуд ҳуқуқий-норматив ва моддий-техник базани такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бошқарувнинг бозор муносабатларига

ҳос усулларини кенг қўллаш мақсадида:

1. Қуйидагилар: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар матбуот ва ахборот бошқармаларининг тузилмалари 3- ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 3-бетда.)

Ўқувчилар мактабни соғинди

бу уларнинг мактаб ярмаркасидаги ўқув қуролларини катта иштиёқ билан танлаётганида сезилиб турибди

Ёзги таътил Диёрбекнинг қалбини соғинчга тўлдирди. Бирор баҳона топилди дегунча у жонажон мактаби томон ошиқди. Муассасада мактаб ярмаркаси ташкил этилгани айтиш мумкин бўлди. Чунки интиқиб куттилган янги ўқув йили учун у ўқув қуроллари ва бежирим формага эга бўлади.

Мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган 1325 та мактаб ярмаркаси бугун Диёрбек сингари қалби соғинч ва орзуга тўла минглаб ўғил-қизларнинг янги ўқув йилига тайёргарлик кўришлари учун қулайлик яратмоқда.

(Давоми 4-бетда.)



АХОЛИГА ЯНАДА ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари Бекбод шаҳри мисолида боғча ёшидаги болаларни тўлиқ мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Бунда хусусий боғчаларга кенг ўрин бериш керак.

Мактабгача таълимда бола шахсини ривожлантиришга қўйиладиган давлат талабларининг асосий йўналишлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Бунда болаларнинг жисмоний ривожланиши, ўзига-ўзи хизмат кўрсатиши, ижодий-эстетик қобилияти, дунёқарашини бойитиш, нутқини ўстириш, ўқиш ва саводга тайёярлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи давомида мунтазам равишда аҳоли билан мулоқот қилиб, одамларнинг турмуш шароити билан қизиқади, уларни қўйналган масала ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратади. Бекбод шаҳридаги "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Металлург-мадад" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли билан учрашувда ҳам бу ўз ифодасини топди. Ширкатга қарашли 8 кўп қаватли уйдаги 234 хонадонда 750 дан ортқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг том қисми таъмирдан чиқарилган, ертўласидаги эски қувурлар тўлиқ алмаштирилган, уйларга рақамли замонавий эшиклар ўрнатилиб, кузатув камералари билан жиҳозланган. Бу ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлашга хизмат қилмоқда. Уйлар атрофида замонавий болалар майдончалари қурилган.

Аммо ҳудуд аҳолисини қийнаб келаётган муаммолар ҳам етарли. Яъни уйларда иссиқлик тизими ишламайди. Бундай ҳолат нафақат ушбу ширкат, балки

қарийб бутун Бекбод шаҳрига хос. Тоza ичимлик суви таъминоти ҳам аҳолини қийнаётган муаммолардан. Ичимлик суви мавжуд бўлса-да, сифати талабга жавоб бермайди.

Президентимиз Навоий вилоятидаги "Ariston thermo – UTG" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган газ иситиш қозонларини лизинг асосида уйларга ўрнатиш кераклигини таъкидлади.

Барча ишларимиз халқни рози қилиш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган, деди Шавкат Мирзиёев. Шунинг учун Бекбод шаҳридаги иссиқлик тизими билан таъминланмаган барча кўп қаватли уйларни индивидуал газ иситиш қозонлари билан таъминлаймиз, унга сарфланадиган зарур маблағлар ажратамиз. Хонадонларга ўрнатиладиган газ иситиш қозонлари аҳолига лизинг асосида берилади.

Халқимиз олдида қарзими кўп, деди Президентимиз маҳалла аҳли билан учрашувда. Уларнинг дардини эшитиш, муаммоларини ҳал этиш учун янги тизим жорий этилди. Яъни ҳар бир туман-шаҳарда ҳоким, прокурор, солиқ бўлими бошлиғи, ички ишлар бўлими раҳбари ҳудудларга бўлиниб, муаммоларни ҳал қилади. Улар ўзига қарашли ҳудуддаги ҳар бир хонадонга кириб муаммоларини ўрганади, боғча, мактаб, шифохона ва бошқа муассасалар фаолиятидаги камчиликларни ҳал этишга кўмаклашади. Ҳар уч ойда бир марта Президентга ҳисобот беради.

Оддий одамлар бугунги кунда бўлаётган ўзгаришларни сезиши керак. Улар эртага эмас, бугун яхши яшашни истади. Уларга бугун яхши шароит яратиб беришимиз керак. Барча амалга ошираётган ишлари-

миздан кўзланган мақсад-муддао ҳам шу, деди Шавкат Мирзиёев. Бугун эришаётган ютуқларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлиги самарасидир. Биргаликда фидойилик билан ишласак, бундан-да катта ютуқларга эришамиз.

Одамларнинг яхши яшаш учун қулай шароит яратиш, зарур ҳаётий воситаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, иш билан таъминлаш – демографик ўсиш суръати юқори бўлган мамлакатлар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолиси 32 миллион 345 мингдан ошди. Аҳоли сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Буни Бекбод шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда шаҳар аҳолиси 90 мингдан зиёд. 2035 йилга бориб аҳоли нуфуси 110 мингга етиши кутилмоқда. Бу ўз-ўзидан "демографик ўсиш" талабларини бажаришни тақозо этади.

Хўш, бу вазифа қандай ва ниманинг ҳисобига бажарилади?

Президентимиз Бекбод шаҳрининг 2035 йилгача мўлжалланган бош режаси тақдиротида асосий эътиборни айтиш шу масалага қаратади.

Қайд этилганидек, аҳоли турмуш фаровонлиги — меҳнат бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш, бандлик соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматларини таъминлаштириш, шаҳар инфратузилмасини тубдан янгилаш, кичик саноат зонаси фаолиятини йўлга қўйиш сингари муҳим ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш билан таъминланади.

Хусусан, 2017-2018 йилларда умумий қиймати 3,8 триллион сўмлик 179 лойиҳа амалиётга татбиқ этилиб, қарийб 5 минг аҳоли доимий иш жойига эга бўлади.

Янги мавзела қурилади, кўп қаватли уйлар қад ростлайди.

Уйлар Ўзбекистон металлургия комбинати ва Бекбод цемент заводи ишчилари учун тижорат банкларининг кредити ҳисобидан қурилади. Ҳар йили ўртача 1 минг 200 хонадон фойдаланишга топширилади. Мавзеладаги биринчи уйларни бир йилдан сўнг, Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур уй-жойлар атрофида боғ яратиш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш объеклари қуриш, бир сўз билан айтганда, мўъжаз шаҳарча байроқ эшиги бўйича қўрсатмалар берди. Шаҳарчани тез ва қисқа фурсатда бунёд этиш кераклигини таъкидлаб, уни "Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви", деб номлашни таклиф қилди.

Бекбод шаҳрида жорий йилда ҳар бири 42 хонадонга мўлжалланган етти қаватли иккита уй қурилмоқда. 2018 йилда худди шундай яна 10 кўп қаватли уй-жой барпо этилиши режалаштирилган. Шаҳар марказий шифохонаси биноси 1964 йилда қурилган, бугунги кунда таъмирталаб бўлиб қолган. 2017-2018 йилларда бу ерда 12 миллиард сўмликдан ортқ қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилади. Бир миллион долларлик тиббий жиҳозлар келтирилиши кўзда тутилмоқда.

Аҳолига янада кенг қулайлик яратиш мақсадида Тошкент — Бекбод йўналишида электрчка қатновини йўлга қўйиш бўйича топширик берилди.

Халқимизда "қадрлаган — қадр топар", деган нақл бор. Хотирлаш эса ҳаётдан кўз юганларни эслаш ва уларнинг ҳақиқа ҳайрли дуолар қилишдир. Президентимиз Бекбод шаҳрида истиқомат қилувчи Мухтор Миркоми-

ловнинг турмуш ўртоғи беввақт вафот этгани муносабати билан ўтказилаётган таъзия маросимида иштирок этиб, хонадон эгаларига чуқур ҳамдардлик билдирди, сабр-тоқат тилади. Мутасадди раҳбарларга бошига мусибат тушган ушбу оилага кўмак кўрсатиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир. Президентимизнинг ушбу теран маъноли сўзлари ҳаётимиздан тобора кенг ўрин эгалламоқда. Давлатимиз раҳбарининг амалий фаолиятида, ташаббус ва тақлифларида бу ҳақиқат яққол намоён бўлмоқда. Бу Бекбод шаҳар аҳолиси вакиллари билан бўлган учрашувда ҳам яна бир бор ўз ифодасини топди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида "Металлург" маданият саройида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ва Бекбод шаҳри фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойлардаги Халқ қабулхоналари аҳоли билан мулоқотнинг муҳим тизимига айланиши, турли масалаларга ўз вақтида ечим топилиб, одамларни рози қилаётгани таъкидланди. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани қайд этилди. Аҳолига барча зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини янгилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорлигини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йил 18 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисини шу йил 24 август кунини Тошкент шаҳрида чакриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури

ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилмоқда.

"Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақил тўғрисида"ги, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатлари тўғрисида"ги (янги тахрири), "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг

айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлисда сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси ёшлар кунини белгилаш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунларни ҳам қўриб чиқадилар.

Шунингдек, ялпи мажлисининг кун тартибига Тошкент вилоятининг Тўйтепа, Янгийўл ва Оҳангарон шаҳарларини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам киритилди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини

сайлаш ҳақидаги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг айрим раҳбарларига парламент сўрови юбориш, шунингдек, парламент сўрови натижалари ҳақидаги масалаларни ҳам қўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қарадиган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилиши режалаштирилмоқда.

Ўн биринчи ялпи мажлисга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш юзасидан Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девони фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тuzилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

2017-yil 19-avgust, № 66 (9027)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИНГ ФАРҒОНА МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

битировчиларни ишга жойлаштириш бўйича буюртмаларни шакллантириш;

профессор-ўқитувчилар таркибининг ўз касб соҳасидаги билим ва тажрибаси, илмий-ижодий салоҳияти ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириш;

таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илгор ютуқларни татбиқ этиш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалининг намунавий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини ташкил этиш, унинг моддий-техника базасини барпо этиш, ўқув ва илмий-педагогик салоҳиятини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирига, зарур ҳолларда, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгариштирилар кiritиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки,

Филиалга:

2017/2018 ўқув йили учун "5150300 – актёрлик санъати (турлари бўйича)" таълим йўналишига бакалаврлар тайёрлаш бўйича жами 25 та – шундан 10 таси давлат грантлари, 15 таси тўлов-контракт асосида – қабул квотаси ажратилади;

2017/2018 ўқув йили учун қабул жараёни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтиди амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалининг Уставини белгиланган тартибда тасдиқласин ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш чораларини кўрсин; Филиалда ўқув-методик жараёнларнинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

6. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Ўрта

махсус, касб-хунар таълими марказининг Қўқон шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 3А-ўйда жойлашган Қўқон туризм ва сервис касб-хунар коллежининг уч қаватли асосий биносининг бир қисмини Филиалга бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан бериш ҳамда Филиал фаолиятини мазкур бинода ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Қўқон туризм ва сервис касб-хунар коллежининг Қўқон шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 3А-ўйда жойлашган биносининг бир қисми Филиалга берилиши муносабати билан мазкур коллеж фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда 2018/2019 ўқув йили ва кейинги йиллар учун Филиалга ўқишга қабул қилишнинг 50 нафардан кам бўлмаган квотасини истиқболда Фарғона водийси ҳудудларини ривожлантириш билан боғлиқ дастурларни, ҳар қайси тармоқда мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, йиллар бўйича аниқ йўналишларни белгилаб, касб ва таълим йўналишларини (мутахассисликларни) кўрсат-

ган ҳолда ишлаб чиқишни назарда тутсин;

2017/2018 ўқув йили бошланишига қадр Филиалнинг таълим йўналишларини давлат таълим стандартлари ҳамда тегишли малака талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режалари, фан дастурлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, Филиал фаолиятини юритиш билан боғлиқ харажатлар 2017 йилда таълим соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ўжалик фаолиятдан олинadиган даромадлар ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан келадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Филиалга хизмат кўрсатадиган 1 та енгил автомобиль учун лимит ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 4 июндаги ПҚ-1771-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ташкилий тузилмаси рус тилидаги матнидаги "Нукусский филиал" блокидан кейин "Ферганский региональный филиал" блоки билан тўлдирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов, А.Юнусходжаев ҳамда Фарғона вилояти ҳокими Ш.Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорида зарур ҳолларда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, виллоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тузилмаларига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгариштирилар кiritиш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, виллоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларини сақлаш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги ташкилотларнинг шартнома асосидаги ажратмалари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини сақлаш, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши инobat-га олинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, виллоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти давлат корхонаси давлат кўчмас мулки объектларида ижара тўловсиз жойлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассислигидаги "Тонг юлдузи" ва "Класс!" газеталари ҳамда "Гулхан" ва "Ғунча" журналларини нашр этиш билан боғлиқ харажатларнинг мазкур нашрлар ўз даромадлари билан

таъминланмаган қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда виллоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун зарур бўлган маблағларни 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрлари доирасида ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида назарда тутсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-ўйда жойлаштирилсин.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бир ой муддатда, ўз

зиммасига юклатилган вазифалар ва фаолият йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 17 август

Лала БЕГНАЗАРОВА:

«Шарқ тароналари» халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақкамлашга хизмат қилмоқда

Самарқандда «Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивалига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Мусиқа форуми маданият ва санъатни янада ривожлантириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустақкамлашга хизмат қилмоқда. Фестивалнинг ўзига хос муҳити ва халқаро нуфузи санъаткорларни янги ижодий изланишларга руҳлантирмоқда.

ЎЗА муҳбири 2009 йилги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг Гран-при соҳибаси, туркменистонлик хонанда Лала Бегназарова билан ушбу мусиқа байрами ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида интернет орқали боғланди:

— Авваламбор шуни таъкидлашни истардимки, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида қатнашиш — катта шараф ва улкан масъулият. Мазкур фестиваль халқлар ўртасидаги дўстликни мустақкамлашга хизмат қилмоқда, ҳар бир иштирокчига ўз истеъдодини намойиш этиш ҳамда тажриба алмашиш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистонга бир неча бор келиш, биргаликда ташкил этилган концертларда иштирок этиб, туркман халқ кўшиқларини ижро этиш бахти менга насиб этди. Ўзбекистонлик санъат шинавандалари бизни ҳамиша илиқ кутиб олади. Ўзбекистон, айниқса, Самарқанд ўзининг бетақаро шарқона таровати, бой тарихи ва меъморий ёдгорликлари билан мени мафтун этган. Ҳар сафар келганимда ўзим учун Ўзбекистоннинг янги қирраларини кашф этаман.

Хайбат аъзолари менинг чиқишимни олий мукофот — Гран-прига лойиқ

топганидан жуда хурсандман. Ушбу нуфузли фестивалда ўз мамлакатимни муносиб таништирганимдан бениҳоя бахтли эканим, бундан нақадар фахрланишимни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бу менга қанот бағишлади, янада кўпроқ ишлашга ундади. Фестивалдан сўнг менга Туркменистон халқ артисти фахрий унвони берилди. Бунга «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалидаги галабам ҳам сабаб бўлди, деб ўйлайман. Бизни илиқ кутиб олган фестиваль ташкилотчилари, Ўзбекистон халқига ўз миннатдорлигини билдираман.

«Шарқ тароналари» фестивалида иштирок этганим, бош совринни кўлга киритганимни туркман ва ўзбек халқларининг қардошлик алоқалари мустақамлигидан далолат, деб биламан. Бу воқеа ижодим ва ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Фестивалдан сўнг мен дунёнинг кўплаб давлатларида ўз ижодимни намойиш этдим.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустақкамланиб, гуллаб-яшнасин!

Яқинлашиб келаётган фестиваль иштирокчиларига муваффақият тилайман!

ЎЗА муҳбири
Н.МАНЗУРОВА
сўхбатлашди.

Ўқувчилар мактабни соғинди

бу уларнинг мактаб ярмаркасидаги ўқув қуролларини катта иштиёқ билан танлаётганида сезилиб турибди



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Пойтахтимизнинг 258-мактабидagi мактаб ярмаркаси ҳам ўқувчилар ва ота-оналар билан гавжум. Растадаги мактаб формаларининг сифати, нархи, бичими ота-оналарда кўпроқ қизиқш уйғотаётган бўлса, ўқув қуроллари, дафтару сумкалар ўқувчилар эътиборини тортаяпти.

— Мактаб ярмаркаси таълим масканининг ўзида очилгани жуда қулай бўлди, — дейди Нигора Норматова. — Болаларимизга мактаб учун керакли барча нарсаларни шу ердан харид қиламиз. Маҳсулотларнинг сифати, нархи ҳаммага манзур бўлаяпти.

Ярмарка растасидан нимадир қидираётган ўқувчига кўзимиз тушди.

— Кундалик дафтар қидираётгандим, — дейди 6-синф ўқувчиси Аслиддин Акрамов. — Доим дафтарларим муқовасида сеvimли қаҳрамонларим сурати бўлишини истайман. Менинг қаҳрамоним — Амир Темур бобомиз. Аммо ундай дафтар тополмадим. Шунинг учун мана бу чарм муқовали кундалик дафтарни сотиб олдик. Менга ёқди.

Зилола МАДАТОВА,
«Ma'rifat» муҳбири
Бурхон РИЗОКУЛОВ олган
суратлар.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йиғида одамларни қийнаётган муаммолар ҳамда уларнинг ечилиши билан қизиқиш, ҳудудий масалаларни жойида ҳал қилиш жараёни янги босқичга кўтарилди. Жойларда ўтказилаётган очик мулоқотлар одамларнинг узоғини яқин, мушкулни осон қилаёттир.

Халқ билан юзма-юз

Яқинда Янгибозор туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедиллов, Республика кенгашининг бош юрисконсулти Дилбар Мухаммадалиева ҳамда кенгашнинг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда Янгибозор, Гурлан, Урганч, Хонқа, Шовот туманлари ва Урганч шаҳридан иш бевуви ташкилот вакиллари ва касаба уюшма фаоллари, вилоятдаги барча туман, шаҳар кенгашлари раислари иштирок этди. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчилари сўзга чиқиб,

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» муносабати билан туманларда хонадонларга кириб, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедиллов бугунги кунда касаба уюшмаларида олиб борилаётган ислохотлар, вилоятларда ўтказилаётган сайёр қабулларнинг аҳамияти ҳақида гапирди. Ўз навбатида, Республика кенгашининг бош юрисконсулти ҳам меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар тўғрисида йиғилганларга ахборот берди.

Учрашувнинг савол-жавоб қисми бошланиши билан залда жонланиш юз берди.

Хонқа туманидаги 36-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Қаҳрамон Собиров меҳмонларга ўзини қизиқтирган саволни берди:

— Педагог нафақат ўзини, балки oila аъзоларини ҳам соғломлаштириш учун санаторийларга имтиёзли йўлланма олиш ҳуқуқига эгамми?

Саволга кенгашнинг хоразмлик фаоли Муяссар Раҳимова қуйидагича жавоб берди:

— Касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан 10 фоиз маблағга санаторийлар йўлланмасини олиш белгиланган. Бунда нафақат ишловчи ходимлар, балки уларнинг яқин қариндошлари (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) ҳам соғломлаштириш имтиёзи берилган. Шунингдек, ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан ҳам санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилиши йўлга қўйилган.

Янгибозор туманидаги 27-мактаб директори Умиджон Исмоилов таълим-тарбия тизимидаги ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган раҳбар ходимларга Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти қошидаги соғломлаштириш масканига йўлланма берилмаётгани сабаби билан қизиқди. Айни

ҳолатга изоҳ берган кенгаш вакиллари бу йўлланмаларни ажратиш ижтимоий сугурта маблағлари билан боғлиқ эканлигини тусунтирди.

Хонқа туманидаги 37-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зумрад Абдуллаева кўпчилиكنи қизиқтирган саволни ўртага ташлади:

— Ходим касал бўлиб, чет элда даволанишга мажбур бўлса, унинг иш жойи сақланадими?

Мазкур саволга Республика кенгашининг бош юрисконсулти Дилбар Мухаммадалиева жавоб берди:

— Бундай вазиятда ходим ўз ҳисобидан таътил олиши мумкин. Унга 12 ой ичида 3 ойга ўз ҳисобидан таътил берилади.

Жонли мулоқот давомида савол-жавоблар билан биргаликда тақлифлар ҳам билдирилди. Шовот туманидаги 34-мактаб директори Ҳасанбой Отахонов туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларида юрист штатини ташкил этишни таклиф қилди. Гурландаги 26-мактабнинг бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Баҳром Раҳмонов бошланғич ташкилот раислари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар учун ўқув-семинар ташкил этиш таклифини билдирди.

Урганч шаҳар маданият бўлими касаба уюшма кўмитаси раиси О.Исmoilов маданият муассасалари ходимлари иш вақтидан ташқари пайтларда ҳам фаолият олиб бориши боис, ана шу вақт учун уларга қўшимча ҳақ тўланиши лозим, деган таклифи ўртага ташлади.

Унинг таклифига Республика Кенгашининг бош юрисконсулти шундай муносабат билдирди:

— Ходим ишга кирганда у билан иш бевуви ўртасида меҳнат шартномаси тузилади. Касаба уюшма ва маъмурият билан эса жамоа шартномаси имзоланади. Ушбу шартномаларда ходимлар ишини рағбатлантириш бўйича бандлар киритилган. Ходимларни шу бўйича ҳам рағбатлантириш иш бевуви томонидан амалга оширилиши мумкин.

Қизғин ва кўтаринки руҳда ўтган мулоқот сабаб маҳаллий доирада ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар барҳам топиб, аҳолини қийнаётган саволларга баҳоли қудрат жавоб берилди. Очик-ошкора мулоқот давомида ечимини кутаётган масалалар ёзиб олиниб, батафсил ўрганиб чиқилган, муурожаат эгаларига ёзма равишда жавоб қайтарилиши маълум қилинди. Таълим сифатини яхшилаш, ходимлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, раҳбарият ва ходимларнинг бир мақсад сари яқдилликда ҳаракат қилишига эришиш сайёр қабул фаолияти мақсадининг асосини ташкил этмоқда.

Маҳмуд РАҲАБОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

2017-yil 19-avgust, № 66 (9027)

Халқимиз учун қадри ва улғу байрам бўлган мустақиллик айёми яқинлашмоқда. Ота-боболаримизнинг ҳур ва эркин, фаровон, тенглар ичра тенг яшашга бўлган орзуи, ҳуқуқи бундан 26 йил муқаддам рўбега чиққан кунни ҳақиқатан ҳам қанча байрам қилсак арзийди.

Мустақиллик ҳақида сўз кетса, албатта, унга эришиш йўлидаги мураккабликлар ва уни мустаҳкамлаш жараёнлари кўз ўнгимиздан ўтади.

Мустақиллик шундай улғувор, аини дамда нозик тушунчаки, уни эълон қилишнинг ўзи кифоя эмас. Қачонки, давлатнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкам бўлса, бошқалар у билан шундай асосларга таяниб муносабат ўрнатасгина чинакам суверен давлат сифатида ўз ўрнини эгаллайди ва тараққий этади. Шу маънода Ўзбекистоннинг дунё харитасида мустақил давлат сифатида пайдо бўлиши ва мустаҳкамланишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрни ва роли беқийс.

Одатда ҳар бир давлат ўзининг Конституциясига ва шу асосда ўз конституциявий тузумига эга бўлади. Соҳибкирон Амир Темурунинг "Темур тузуқлари" Шарқ цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат ҳуссиятига эга бўлган. Амир Темуру тузуқлари фикҳ қоидалари билан бир қаторда Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яратилишининг тарихий солномасига назар солинса, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик сари ташланган қадамларнинг мантикий натижаси эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Конституция "пойдевори"ни қуришда уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таянилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, замонавий Ўзбекистоннинг тарихи — бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислом Каримов раҳнамолигида олиб берилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк Йўлбошимиз ҳақли равишда демократик талаблар ва халқро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи эди.

Конституциявий мустақиллик йўлидаги биринчи ҳуқуқий қадам Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши бўлди. Мен ўша даврда Тил муаммоларини ўрганиш ишчи гуруҳи аъзоси сифатида Ислом Каримовнинг 1989 йил 23 июнда Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида иш бошлаши билан боғлиқ тарихий жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлганман.

1989 йил 21 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинди. Қонунда мустаҳкамланган муҳим ҳуқуқий қоидалар кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида қуйдагича мустаҳкамланди: "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди".

Конституциявий муста-

қиллик йўлидаги иккинчи ҳуқуқий қадам Президентлик институти таъсис этилиши билан боғлиқ. Юртимиз ҳаётидаги бу гоят муҳим тарихий воқеа 1990 йил 24 март куни юз берди. Мустақиллигимиз эълон қилинишидан анча олдин, ўн иккинчи қақриқ Олий Советнинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Президенти лавозимини жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ушбу сессияда Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини яратиш гояси илк бор ана шу сессияда илгари сурилди. Мустақил тузум республикалари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда Президент-



Vatanimiz mustaqilligining 26 yilligi oldidan

декларациясининг 8-бандида Ўзбекистон "ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди", деган қоида мустаҳкамланган. Декларациянинг 12-бандида ушбу ҳужжат республиканинг "янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос" бўлиши қайд этилган.

Конституциявий мустақиллик йўлидаги олтинчи ҳуқуқий қадам Конституциявий комиссиянинг ташкил этилиши билан боғлиқдир. Олий Кенгаш қарори билан 1990 йил 21 июнь куни Ислом Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар, мутахассислардан иборат 64 аъзони ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тузилди ва Конституция лойиҳаси ана шу комиссия томонидан икки йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

куни "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди.

Конституциявий мустақиллик йўлидаги саккизинчи ҳуқуқий қадам 1991 йил 29 декабрь куни биринчи умумхалқ Президент сайлови ва давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум ўтказилганидир. Халқимиз давлат мустақиллигини қўллаб овоз берди ва муқобиллик асосида ўз Президентини сайлади.

1992 йил 4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ана шу сайлов ва референдум ақунларига бағишланган тўқизинчи сессияси очилди. Ушбу сессияда Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини бажаришга киришиш тантанали

си дурдоналари билан бойитилганини, сайқал топланини таъкидлади.

Ислом Каримов Конституция лойиҳасини биринчи марта эълон қилингунча тўрт марта, кейинги эълон қилингунча икки марта, ҳужжатни сессияга киритишдан олдин яна бир марта таҳрир қилди. Бу тузатишлар ва қўшимчаларнинг ҳаммаси жуда муҳим эди.

Ислом Каримов Конституция лойиҳасини аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг маданий ёдгорликлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиши ҳақидаги моддалар билан тўлдирлиши тақлиф қилди. Биринчи Президентимиз Конституциянинг инсон ва фуқаролар эркинликлари ва бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларга катта эътибор қаратди. Шу тарика Конституция лойиҳаси Юртбошимиз томонидан етти марта текшириб чиқилганидан кейингина сўнгги муҳокама учун депутатларга тақдим этилди.

Ислом Каримов Конституциявий комиссия раиси сифатида сессияда маъруза қилди. Олий Кенгаш сессиясига муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартриш, қўшимчалар тақлиф этилди ва аниқликлар киритилди. Парламент депутатлари томонидан лойиҳа моддама-модда муҳокама қилиниб, унга яна бир қатор ўзгартришлар киритилган, **1992 йил 8 декабрь куни Бош қомусимиз қабул қилинди. Шу кундан эътиборан 8 декабрь — умумхалқ байрами деб эълон қилинди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши қабул қилингани Бош қомусимизга бўлган яна бир юксак эътибор намунаси бўлди. Энг улғу, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёмидан сўнг халқимиз яна бир улғу байрам — Конституциямизнинг қутлуг чорак асрлик тўйига тадорик қўради. Шу баҳона юртдошларимиз, айникса, ёшларимиз фаровон ҳаётимиз пойдеворининг моҳиятини янада чуқур англаб, унга бўлган муҳаббати ошишига асло шубҳа йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнлари, шунингдек, Асосий қонунимизнинг 25 йилдан буюн амалда намоён этаётган самаралари Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Конституция — давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома" бўлганлиги, у "халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини" акс эттириши, унинг "халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули" экани ҳақидаги ҳикматли хулосалари гоятда тўғри ва асосли эканини яққол тасдиқлайди.

Акмал САЙДОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор.
ЎЗА.

Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асоси

ёки конституциявий мустақиллик йўлидаги ўн муҳим қадам

лик лавозими таъсис этилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Конституциявий мустақиллик йўлидаги учинчи ҳуқуқий қадам Конституциявий назорат комиссиясининг ташкил этилишидир. Президентлик институти жорий этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган сессияда тасдиқланган Конституцияга ўзгартриш ва қўшимчалар киритишга доир қонун лойиҳасида Конституцион назорат комитетининг тузилиши ҳам назарда тутилган эди. Бунда депутатлар томонидан ушбу олий давлат органининг Президентлик ҳокимиятини мувозанатга келтириб турувчи ўзига хос ҳуқуқий восита вазифасини бажаришига алоҳида урғу берилди. Шу тарика бугун амалда бўлган яна бир конституциявий институт — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига истиқлол арафасидаёқ асос солинди.

Конституциявий мустақиллик йўлидаги тўртинчи ҳуқуқий қадам давлат раамларининг қабул қилинишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, Президент лавозимининг таъсис этилиши, давлат номининг эълон қилиниши, расмий давлат раамлари — Давлат байроғи, герби ва маҳиясининг қабул қилиниши, ўз валютаси, пойтахти, тили, ҳудуди, фуқаролиги, умумхалқ байрамларига эга бўлиш дунё харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигининг ифодасидир.

Конституциявий мустақиллик йўлидаги бешинчи ҳуқуқий қадам Мустақиллик декларациясининг эълон қилинишидир. Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан 1990 йил 20 июнда эълон қилинган Мустақиллик

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу ҳақда шундай деди: "Олий Кенгаш депутати сифатида мен ҳам Конституциявий комиссия таркибида Бош қомусимизни яратиш ва қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этганимни доимо фахрланиб эслайман. Конституциямизнинг қандай қилиб ҳозирги мазмун ва шаклга келгани, бу мураккаб жараёнда кечган қизғин тортишув ва баҳс-мунозаралар бугунгидек ёдимда. Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллардаги ўта оғир даврда Асосий қонунимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда Ислом Абдуғаниевичдек кенг миқёсда, стратегик фикрлайдиган, узокки кўра оладиган буюк сиёсий арбобнинг бу ишга раҳбарлик қилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этди".

Конституциявий мустақиллик йўлидаги еттинчи ҳуқуқий қадам Давлат мустақиллигининг эълон қилинишидир. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1991 йил 31 август куни ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзлаган нутқидаги: "Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами, деб эълон қилишни тақлиф этаман", деган сўзлари Ватанимиз тарихига олтин ҳарфлар билан мангуға ёзилган.

Худди ўша куни Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Баёвот таъкидландики, "Бундан буюн Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика Конституцияси ва қонунлари шак-шубҳасиз ўз тун деб эътироф этилади". Шу

маросими бўлди.

Конституциявий мустақиллик сари қўйилган тўққизинчи ҳуқуқий қадам Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидир. Конституциявий комиссия 1992 йил 8 сентябрда Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилди. Янги Конституциянинг биринчи лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрь куни тайёр бўлди ва шу куни матбуотда чоп этилди. Лойиҳа эълон қилингач, унинг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди. Бу очик-ошкора муҳокамалар фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринкилиги руҳида ўтди.

Конституция лойиҳаси ўтказилган муҳокамалар давомида келиб тушган тақлифлар асосида тузилди ва қайта ишланди. 1992 йил 21 ноябрь куни умумхалқ муҳокамасини давом эттириш учун Конституция лойиҳаси иккинчи марта газета-ларда эълон қилинди.

Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент — икки босқичли умумхалқ муҳокама юз берди. Ушбу ҳолат, бир томондан, муҳокама иштирокчиларини фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазифасини бажарган бўлса, иккинчи томондан, Асосий қонунимизнинг халқчилигини таъминлади. Конституция лойиҳаси кенг жамоатчилик экспертизасидан ўтди.

Конституциявий комиссия томонидан 1992 йил 6 декабрда Конституция лойиҳаси охириги марта муҳокама этилди. Биринчи Президентимиз сессияда Конституцияни "халқчил қомус" деб атаб, унинг лойиҳаси устида таҳминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтганлиги ва шу вақт мобайнида у халқнинг фикр хазина-

Методика уюшмаси – ўқитувчининг кўмакчиси

Туман(шаҳар) фан методика уюшмаларининг фаолиятини жонлантириш бўйича тавсия

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларга сифатли таълим-тарбия бериш туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари раҳбарияти ҳамда фанлар бўйича методистларнинг самарали фаолиятига бевосита боғлиқдир. Аммо жойлардаги методика уюшмаларининг фаолияти танқидий таҳлил қилинганда, улар мунтазам ишламаслиги, натижада мактаблардаги методбирлашмалар фаолиятида ҳам сусткашлик ҳолати юзага келаётгани аниқланган. Бу эса таълим тизимидаги янгиликларнинг ўқитувчиларга ўз вақтида етиб бормаслиги, ўқувчиларнинг давлат таълим стандартларида белгиланган билимларни тўлиқ ўзлаштирмаслиги, бўлиқлар ҳосил бўлишига сабаб бўлмоқда.

Методика уюшмаларига раҳбарлик қилаётган методистларнинг ўз вазифасига масъулиятсизлиги (эътиборсизлиги, хоҳиши йўқлиги, қизиқмаслиги, тизимга ноилоҳидликдан келиб қолганлиги, изланувчанлик хусусиятларига эга бўлмаганлиги) натижасида фан методика уюшмалари тегишли низом асосида ташкил этилмаган, тизимли режа асосида фаолият олиб бормаяпти.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясида бошқа соҳалар сингари таълим тизимини ислоҳ қилиш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Шулардан келиб чиқиб, методистларга қуйидаги вазифалар юқланади:

- тегишли фанлар бўйича мактаб методбирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;
- фан ва йўналишлар бўйича янги педагогик технологияларни ва илгор тажрибаларни мунтазам ўрганиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш;
- ижодий ташаббусларни уйғунлаштириш;
- таълим-тарбия беришнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш, уларни таълим муассасаларида амалиётга татбиқ этиш;
- ўқитувчи(тарбиячи)ларга методик ёрдам бериш;
- ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга кўмаклашиш.

Методистларга ёрдам сифатида туман(шаҳар)ларда методика уюшмаларини ташкил этиш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги тавсиялар берилди:

Туман(шаҳар)ларда ҳар бир фан бўйича методика уюшмалари методбирлашма раҳбарларини таълимдаги янгиликлар билан таништириб бориш, малакасини ошириш, тажриба алмашиш орқали методик ишларни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича тузилади:

1. Мактабгача таълим йўналиши бўйича: мактабгача таълим муассасалари раҳбари; методисти; психологи; тарбиячи; мусиқа раҳбари.

2. Умумий ўрта таълим мактабидидаги ҳар бир фан бўйича: она тили ва адабиёт; математика, физика, информатика; биология, география, кимё; тарих, миллий истиклол ғояси, давлат ва ҳуқуқ асослари, иқтисодий билим асослари; хорижий тиллар; амалий фанлар; бошланғич таълим; директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари; директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари.

Методика уюшмасининг йўналишлари Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 4 июлдаги "Туман (шаҳар) фан методика уюшмалари тўғрисида"ги буйруғи билан тасдиқланган низом асосида давра суҳбати, ўқитувчиларни соғлом рақобатга қўлайдиган ўйинлар, очик дарс, ижодий гуруҳ ҳисоботи, маънавий йўналиш, бошқа уюшмалар билан ҳамкорликдаги тадбирлар кўринишида ташкил этиб борилади.

Туман (шаҳар) методика уюшмаларининг асосий вазифалари қуйидагилар:

1. Халқ таълими бошқаруви органлари томонидан йўлланган тегишли фан ёки йўналишга оид меъёрий ҳужжатлар ва методик ишларни ўрганади, уларни таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этиш усуллари кўрсатиб беради.

нинг бажарилишини таъминлашга раҳбарлик қилади.

6. Таълим муассасаларида ДТС ижросини ўрганиш учун зарур бўладиган тест топшириқлари ва бошқа назорат материалларини тайёрлаш, мониторингини ўтказишга ёрдам беради.

7. Тегишли фан ёки йўналиш бўйича ўтказилган ДТС ижроси мониторингини натижаларини ўрганади, туманда тегишли ўқув фанининг ўқитилиш аҳолини таҳлил қилади. Таҳлил натижаларига кўра, таълим-тарбия олувчиларнинг билим, кўника ва малакаларида аниқланган қўмакчиларни тўлдирish юзасидан чора-тадбирларни белгилайди ва амалга ошириш йўллари кўрсатиб беради.

8. ДТС ижросини таъминлаш, таълим самарадорлигини ошириш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқади, уларни таълим муассасаларига етказилади.

9. Тегишли йўналиш ёки фан бўйича туман(шаҳар) миқёсида методик таъминотга бўлган эътиҳон аниқлайди.

10. Ўқув дастури, дарслик, методик қўлланма ва бошқа методик ишларнинг янги нашрларини, шунингдек, фанга доир мақолаларни ўрганади ва муҳокама қилади.

11. Халқ таълими бошқаруви органлари кўрсатмаси билан ўқув дастурлари ва дарсликларни таҳлил қилади, ўз хулосалари асосида ҳисобот тайёрлаб беради.

12. Мактабларда фан хоналарининг махсус талаблар асосида жиҳозланишига методик ёрдам беради.

13. Туман(шаҳар) миқёсида тегишли фан ёки йўналиш бўйича илгор педагогик технологиялар, илгор иш тажрибаларини ўрганишга йўналтирилган ўқув-методик семинарларни ташкил этади.

Metodik tavsiya

Она тили ва адабиёт фани уюшмасининг намунавий ИШ РЕЖАСИ

Т/р	Бажариладиган иш мазмуни	Масалани тайёрлашга масъул	Ўтказиш шакли
Август			
1	Фан уюшмасининг 2017-2018 ўқув йили учун иш режаси муҳокамаси	Уюшма раиси	Давра суҳбати
2	Фан бўйича ДТС ва ўқув дастурлари, улар асосида тақвимий-мавзуй режаларни тузиш	Методист	Маъруза
3	Янги тахрирдаги ДТС ва модернизация қилинган ўқув дастурларини ўқув жараёнига татбиқ этиш	Методист	Давра суҳбати
4	Дарсликларнинг янги авлодини ўқув жараёнига татбиқ этиш	Уюшма раиси	Давра суҳбати
Октябрь			
1	Олимпиадани ташкил этиш ва ўтказишда олиб бориладиган ишлар ҳамда мезонлар билан таништириш	Методист	Маъруза
2	Она тили фанидан очик дарс	2-мактаб метод-бирлашма раиси	Дарс
3	3-, 43-мактабларда адабиёт фанининг ўқитилиши аҳоли ҳақида ахборот	5,8,11-мактаб метод-бирлашма раиси	Ахборот
4	"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловини ўтказиш тартиби	Методист	Маъруза
5	Фанни ўқитишдаги янгиликлар	Уюшма раиси	Маъруза
Декабрь			
1	Фан бўйича мактаб ва туман олимпиадаларининг якунлари ва вилоят босқичига тайёргарлик ишлари	Методист	Ахборот
2	Тумандаги мактабларда она тили ва адабиёт фанларидан ўқувчиларнинг ДТС ва ўқув дастурларини ўзлаштириш сифат кўрсаткичлари ва бу борада олиб борилиши лозим бўлган ишлар	Уюшма раиси	Давра суҳбати
3	Очик дарс	6-мактаб метод-бирлашма раиси	Дарс
4	Фанга оид янгиликлар билан танишиш	21-мактаб метод-бирлашма раиси	Маъруза

2017-yil 19-avgust, № 66 (9027)


Масофавий сиртқи таълим

иккинчи олий маълумот олиш имконияти

Бу йил олий таълим тизимида кўплаб янгилликлар кузатилди. Жумладан, қабул кўрсаткичларининг ошиши, сиртқи бўлимларнинг ташкил этилиши, оширилган контракт суммаси бўйича қўшимча қабулнинг жорий этилиши, жойларда янги олий таълим муассасалари ва олий таълим муассасалари филиалларининг фаолият бошлаши талаба бўлиш иштиёқидagi ёшларни хушнуд этди. Тест синовлари ортида қолганига қарамай, қабул жараёнидаги ўзгаришлар давом этмоқда. Хусусан, Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти, Тошкент давлат техника университетининг Олмалиқ филиалига яна қўшимча қабул квоталари ажратилгани фикримиз далилидир.

Энг сўнгги янгилликлардан яна бири Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг 2017 йил 25 июлдаги 4-сон баёни билан 2017-2018 ўқув йили учун иккинчи ва ундан кейинги сиртқи олий таълимга қабул эълон қилинди. Сиртқи таълим таъриба-синов тарикасида масофавий ўқитиш элементларини қўллаган ҳолда олиб борилади. Айни кунда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Тошкент давлат педагогика университетиди ўқишга ҳужжатлар қабул қилиш бошланган бўлиб, жараён 20 августгача давом этади.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, университет маъмуриятига сиртқи бўлимларни ташкил этиш масаласида кўплаб фуқаролар мурожаат этипти, — дейди ЎЗМУ қабул комиссияси масъул котиби Расул Раҳмонов. — Шунинг эътиборига олиб, сиртқи бўлимларнинг ташкил этилгани илм олиш, ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда иккинчи мутахассисликни эгаллаш истагидаги фуқаролар учун қўлай имконият. Иккинчи мутахассислик бўйича қабул қилинган талабалар сони ўтган йилги қабул кўрсаткичидан ошмаслиги белгиланган. Демак, 36 йўналишга 1324 на-



фаргача талаба қабул қилиниши мумкин. Дейлик гидрометеорология йўналишига 20 та ўрин берилгани ҳолда, иккита ҳужжат келиб тушса, икки нафар талаба қабул қилинади. Ҳужжат кам келиб тушгани учун йўналиш ташкил этилиши рад этилмайди. Иқтисодиёт йўналишига 50 та ўрин ажратилгани ҳолда 60 та ҳужжат келиб тушса, бу ҳолатда имтиҳон ўтказилиб, энг билимли талабгорлар танлаб олинади.

Азалдан аждодларимиз бир эмас, бир неча фан ва соҳаларни мукамал эгаллаган. Бугун ҳам фанлар ва соҳалар ўзаро қоришиб кетаётган глобаллашув шароитида бир неча мутахассисликни эгаллашга зарурат ошмоқда. Бундай эҳтиёж сиртқи масофавий таълим шаклида қўлланилиши таълим тизимимизнинг жаҳон андозаларига мослашишига хизмат қилади. Ўқув жараёнида талабалар профессор-ўқитувчилар билан электрон почта орқали боғланиб, жорий ва оралиқ назоратларни, мустақил ишларни топширишади.

Кўплаб фуқаролар сиртқи таълим ҳақида кенгрок маълумот олиш, ҳужжат топширишга келган. Улар масолаҳатчиларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишяпти, менежмент, иқтисодиёт, ахборий тизимларнинг математик ва дастурий таъминоти, психология каби йўналишлар ҳақида батафсил маълумот олишяпти.

— Самарқанд давлат чет тиллар институти таълимчилар билан, — дейди Дилобар Нарзуллаева. — Француз тили ўқитувчиси. Бироқ мактабларда француз тили ўқитиладиган синфлар кам. Тўлиқ ставкада ишлашимга имконият йўқлиги туфайли амалиётда талаба катта бўлган мутахассисликда иккинчи олий маълумот олишни режалаштирган эдим. Иккинчи олий таълимнинг сиртқи шаклда ташкил этилаётгани, ҳужжат топширган талабгорлар 2-курсдан қабул қилиниши, ўқиш 3 йил давом этишини эшитиб хурсанд бўлдим. Ҳужжатларимни тезда тайёрлаб филоло-

гия йўналишига топширдим. Ҳужжат топшириш жараёни ҳам ортиқча оворагарчиликлардан холи ўтказилмоқда.

Маълумот берилишича, сиртқи таълим тўлов-шартнома асосида олиб борилади. Контракт суммаси ҳали маълум эмас. Ҳозирча бакалавриат учун контракт суммасининг 50 фоизи этиб белгиланиши тахмин қилинмоқда.

— Тошкент давлат аграр университети сиртқи бўлимига 50 дан зиёд ариза келиб тушди, — дейди университет қабул комиссиясининг талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва иккинчи мутахассисликка қабул қилиш масалалари бўйича масъул ходими Дилмурод Холмирзаев. — Иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган номуахассис кадрлар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотнинг сиртқи шаклда ташкил этилаётгани ҳақида кенг маълумот олишини таъминлаш учун юртимизнинг барча ҳудудлари ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарларига хат билан мурожаат этдик. Бундан ташқари, университетимиз билан ҳамкорлик ўрнатган ташкилот ва корхоналарга ахборот хатларини жўнатдик. Университет сайти ва оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар орқали ҳам мавжуд 20 та таълим йўналиши билан таништириб бораёмиз. Фуқароларни ўқиш тартиби қизиқтиряпти. Таъкидлаш лозимки, бунда бир йилда икки марта 20 кундан ўқиш ташкил этилади. Дарс машғулотларини олиб боришга юқори илмий салоҳиятли профессор-ўқитувчилар соатбай ҳақ тўлаш тартибиди жалб этилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, мутахассислар тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олиш, олий таълим муассасалари битирувчилари салоҳиятидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Санобар ЖУМАНОВА,
“Ma'rifat” мухбири

Тарбияланувчилар ўзбек тилини ўрганмоқда

Қорақалпоғистон Республикасидаги 10-кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатида барча фанлар қатори ўзбек тилини ҳам ўргатишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Уларнинг ҳар куни дарсдан ташқари ўзбек тилида аудио шаклдаги эртақ, шеър, ривоят, ҳикоя, радиоспектакль ёки китоб тинглаши учун имкон яратамиз. Бу болаларнинг ўзбек тилини пухта ўзлаштириши, давлат тилига меҳр ва қўл билан ёндашишида қўл келади.

Ўзбек тили дарси кўзи ожиз ўқувчининг нафақат ақлий, балки руҳий соғлом бўлиб ўсишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Мактаб-интернатимиз педагоглари ўқувчиларга кўндан тўғри ва унумли фойдаланишни ўргатишда

айрим муаммоларга дуч келишади.

Кўзи ожиз бола кўпроқ қўл билан ушлаб кўриб, ҳис этиш, териси билан туйиш орқали билиш жараёнини бошдан кечиради. Юз марта таъриф тавсифини эшитгандан, бир бора қўл билан ушлаб кўргани улар учун афзалроқ.

Бўнинг учун бизга каттиқ клёнкага ёзилган “Брайл” шрифтидаги ки-

тоб матнлари, елимдан асалган мева, сабзавот, ҳайвон, қуш, кичик ҳайкалча ва кўғирчоқ, плакатга қирқиб ёпиштирилган бўртма шакл ҳамда каштадўзлик намуналари керак бўлади. Кўргазмалар воситалар ёрдамида бармоқ учидagi сезгини уйғотиш ва ривожлантириш, шу орқали бола тасавури ва тафаккурини кенгайтириш мумкин.

Қорақалпоқ ўқувчиларига 2-синфдан ўзбек тили фанини ўқитиш давлат таълим стандартларида белгиланган. Гарчи боланинг тил ўрганиши учун мўлжалланган илк вақти мутахассислар томонидан 5-6 ёш деб белгиланган бўлса-да, унинг нутқи тўлиқ шаклланиб кетгани бу жараёнга киришиш

ўзини оқлайди. Дарс ва тўғарак жараёнидаги ўзлаштириш борасида бола қандай ижобий кўрсаткичларга эришишини қўйидаги ҳолатларда кузатдик:

1. Саҳна нутқи машғулот. “Саҳна нутқи” тўғарига қатнашувчи бола руҳан тетик бўлади. У ҳар қандай мушкул вазиятда ҳаяжонини енгиб, шеър, мулоқот, монолог ва турли асар қаҳрамонлари образини маромига етказиб ижро эта олар экан.

2. Тил ўрганиш дарси. Тил ўрганишга иштиёқ ўқувчини илм-фанга қизиқтириш баробарида унда ўзбек тилига бўлган ижобий муносабатни шакллантиради, ривожлантиради, нутқ бойлигини оширади.



Maxsus ta'lim

3. Ўзбек тилидаги “Брайл” матнларини тез ва ифодали ўқиш бўйича машғулот. Алифбонинг бу турида тарбияланувчининг қўл моторикаси яхши ривожланади.

4. Матн мазмунини акс эттирувчи коррекцион кўргазмалар машғулот. Бу машғулотда ўқувчи ўзбек тили дарслиги топшириғида берилган суратларнинг аниқ шаклини ўрганиб, тасаввур ва тафаккур ривожланади, маълумот оламида маълумот оламига дадил қадам ташлайди.

Зарина ОЛИМОВА,
шу мактаб-интернат ўқитувчиси



Kuzatuv

Кичкина деманг бизни...

Отадан ўтган хато

Эндигина олти ёшга тўлган ўғлимнинг берилиб расм чизаётганини кўрдиму қизиқанча ёнига бордим:

— Ўғлим, рассом бўлиб кетиб-санми?

— Сизни, ойимни ва ўзимни чизаяпман, — нигоҳини менга қадади у.

Чизмага аҳамият берсам, ўзининг ва менинг кўксимда юрак шакли. Лекин негадир уни қора рангга бўябди.

— Ўғлим, юрак қизил рангга бўлади. Нима, қизил қаламинг йўқми?

— Буни айтмасангиз ҳам биламан! Қаламин ана турибди!

— Унда нега қора рангга бўядинг?

У менга айбдорона боқиб, гапидавом этди:

— Бувимнинг айтишича, бировни йиғлатган одамнинг юраги қора бўларкан. Сиз кеча ойимни йиғлатдингиз-ку?

Кичкинтойимнинг сўзидан кечаги дилхиралик ёдимга тушди. Эрхотин арзимас масалада тортишиб қолдик. Аёл киши табиятан йиғлашга мойил бўлгани учун хотиним кўзига ёш олди. Буни ўғлим кузатиб турарди. Жаҳлга эрк берибман, ўғлим мени уялтирди. Шундай бўлса-да, гапни ҳазилга бурдим:

— Унда... сеники нега қора? Ёки сен ҳам бирор қизни йиғлатдингми?

— Йўқ, мен ҳеч қимни хафа қилганим йўқ. Ўзингиз доим айтасиз-ку, "Сен худди мендай бўлишинг керак", деб. Шунга...

Ўзи билиб-билмай отасига сабоқ бераётган фарзандимни бағримга босар эканман, этим жимирлаб кетди. Бўғзимни қуйдириб, бир жумла отилиб чиқди:

— Менинг хотоларим сенга ўтмасин, ўғлим...

Ойисидан хафа қизалоқ

Қанчалик билимли, тажрибали ва зукко бўлсак ҳам, фарзандларимизнинг ажабтовур гап-сўзларини эшитиб, уялиб қоламиз. Тан олишни

истамасак-да, ҳали ҳаётий тажрибаси йўқ жажжи ўғил-қизларимиз катталар хатосини тўғриловчи энг одил ҳакам бўла олади. Бу фикрни Учтепа туманида яшовчи Мухлиса Мамаражабованинг ҳикояси ҳам тасдиқлайди.

— Қўшининг икки қизи бизникига чиқди. Тўртала қизалоқ "хола-хола" ўйнаяпти. Уй-рўзгор юмушларини бажараётиб, уларнинг гап-сўзи ва хатти-ҳаракатларини кўз қирим билан кузатиб турибман.

— Ойижон, эртақ айтиб бера-қолинг, — дея илтимос оҳангида ролга кириб опасига мурожаат қилди сингил.

— Ишдан чарчаб келганман ахир, яна бошим оғрияпти. Бугунча эртақ эшитмасанг, ҳеч нарса қилмай-ди.

— Агар эртақ айтиб бермасангиз, ухламайман, — энди хархаша қилишга ўтди қизалоқ.

— Ҳозир бир шапалоқ ейсан, кейин индамай ухлайсан.

— Ҳар қуни шундай дейсиз, ахир биттагина эртақ айтиб бериш шунчалик қийинми? Мен ойи бўлсам, болаларимга ҳар қуни истаганича эртақ айтиб бераддим...

Қўшним ўқимишли, оқила аёл. Эрталаб ишга, кечки пайт уйга шошади. Аммо қизларининг гап-сўзи менга у ҳақдаги бошқача хулосани тақдим этди: нахотки, она қизалоқларига эртақ айтиб беришга ҳафсала қилмаса? Эртаси қуни қизалоқлари суҳбатини айтиб бердим. Бироз ўйга толган аёл секингина "Раҳмат сизга, опа" деди холос...

Таниш манзара, шундайми? Ишдаги муаммо ёки турмуш ташвишлари ота-оналарни руҳан ва жисмонан чарчатади. Шундай пайтда фарзандимизнинг "Эртақ айтиб беринг" деган талабини тўғри қабул қиламизми?..

Ота-она борки, фарзанди бахтли, соғлом ва ҳеч қимдан кам бўлмай ўсишини, камол топишини истайди. Аммо орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг ота-она деган шарафли номга номуносилиги болалар томонидан тан оли-

нади. Пойтахтимиздаги 22-мехрибонлик уйи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хурсаной Холованинг ҳикоясига қулоқ тутиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Ахди қатъий болакайлар

— Болалар билан жиддий гаплашсангиз, улар "ёрилмайди". Шу боис, бўш вақтим бўлди дегунча, "Қизим, ёки ўғлим, бошим ёмон оғрияпти, менга битта қўй дам-лаб бер" деган баҳона билан хонамга чақириб, тарбияланувчилар билан яккама-якка суҳбатлашаман. Чой баҳона дардлашиш асносида: "Сен ҳам бир қуни ота ёки она бўлсанг, фарзандингни Мехрибонлик уйига ташлаб кетасанми?" десам, бола ўйлаб ҳам ўтирмай "Йўқ, ҳеч қачон фарзандимни бу ерга ташлаб кетмайман, ўзим катта қиламан" дейди. Шунда илмоқчи оҳангда "Нега? Ташлаб кетақол. Қара, ҳамма шароит бор, озик-овқат етарли, қийналмай, маза қилиб яшайверади, сенга оғирлиги тушмайди" дейман. Баъзиларнинг жаҳли чиққан-дек бўлади, айримлари менга терс муносабатда бўла бошлайди. Аммо мен уларга гина-кудурат қилмайман, бағримга маҳкам босиб, "Ота-онангнинг хатосини такрорлама, болам" дейман.

Мурғак қалб эгалари англаб етган ҳақиқатни нега баъзи кап-катта, ақлу фаросати етарли қимсалар тушунмаслигига ҳайрон қоламан. Ота-она меҳрига қонмай улғаяётган бу болалардан сабоқ олсак, арзийди. Тўғри, улар тарбиячиларни ота-онасидайд қўриб, ҳурмат қилишадди, айтганимизга қулоқ тутишадди. Кўп кузатганман, ўзи учун энг қадрили деб билган нарсани болаларимиз онда-сонда келиб, хабар олиб кетадиган онаси ёки отасига илинади. Шу нарсани ҳаммадан беркитиб, баъзан ойналаб, йиллаб асрашди. Болапақир биттагина конфет ёки оддийгина рўмолча бўлса ҳам, ота-онасига бериб, меҳрини қозонгиси келади. Ота-онанинг хатосини так-

рорламасликка аҳд қилган болакайлардан бағритош катталар ўрناк олса қанийди. Аммо ота-онаси бағрида, уларнинг меҳрига қониб яшаётган боланинг "муаммо"лари йўқ дейсизми? Бундай эмас... Сурхондарёнинг Ангор туманида яшовчи Бувисора Ортиқованинг гапларига қулоқ тутиб кўрайлик-чи!

"Ғилам мендан қимматми, момо?"

— Неварам Рустамбек хонасидан чиқавермади. Хавотирланиб олди-ка кирдим. Қарасам, сеvimли ўйинчоғини бурчакка тургазиб қўйибди. Ҳайрон бўлиб:

— Бу нима қилганинг, ахир айиқчангни яхши қўрардинг-ку, — десам, боласи тушмагур:

— Кўрмайсизми, момо, бу қулоқсиз "болани". Кечагина бозордан олиб берган қиммат кийимининг расвосини чиқарибди. Шунинг учун жазосини олсин, — дейди.

Кейин мени саволга тутди:

— Ўтган қуни гиламга шарбат тўкиб қўйганим учун ойим мени бурчакка тургазиб қўйганди. Оёғим роса оғриди, гилам мендан қимматми?

Муштдек боланинг мулоҳазасини қаран! Бошим узра қимдир мушдек сув қўйиб юборгандек бўлди. Бола кўнглига қулоқ солмас эканмиз. Онаси берган жазо бола бечорага оғир ботган. У онаси учун қимматбодо гиламнинг тоза туриши муҳимлигидан тушқуликка тушган. Кўш уясида кўрганани қилади. Неварам онасининг ҳаракатини такрорлаган. Чунки келиним уни кўпичина бурчакка тургазиб қўйиб, бир оёқ, бир қўлни кўтариб турган ҳолатда жазолайди. Бугун ўйинчоғини жазолаган болакай, улғайгач, ўз фарзандига ҳам худди шундай муомала қилмайди, деб қим айта оладим? Энди Рустамбек билан муносабатда эҳтиёт бўлишимиз керакка ўхшайди.

Боғча опа — ўрнак

Тўп-тўп бўлиб ўйнаётган болаларни кузатганимизга? Худди катталарнинг ойнадаги акси дейсиз.

Гўдакнинг ўз вақтида ором олиши саломатлиги учун муҳим. Унинг руҳий қувват олишида эса халқ озғани ижоди намунаси бўлиши аламинг ўз ўрни бор. Алла азал-азалдан оналар томонидан қўйлаб келинган. Ҳар онанинг ўз қўшиги, ўз алласи бор. Уш ҳар бир юрак ўзича қўйлайди, янгилайди. Дунёни тўп-та-диган гўзал ва энг тоза моҳият унда мужассам.

Хўш, бугун онажонларимиз бу муқаддас қўшиқни қандай қўйлаяпти? Давра суҳбатимизда шу ҳақда гаплашсак.

Жонбахш қўшиқ

Мунаввара ЁҚУББЕКОВА, филология фанлари доктори, Республика "Оила" илмий-амалий маркази қошидаги "Алла уйи" маданий-маърифий маркази раҳбари:

— Ривоят қилишларича, қадим замонда бир сулув келинчақ фарзандли бўларкану, боласи туғилиши билан оқвафот этаркан. Икки бора бу мудҳиш ҳолатнинг такрорланиши келинчақни адо қилибди. Вақт ўтиб, аёл учинчи фарзандини хавотир аралаш кута бошлабди. Қўтилган вақт келибди. Аёл учинчи фар-

қул қилган ўзимни зўрға босдим. Ҳай бошладим. Нахотки, боғчадаги турли харажатларга пул бермаган бола ўйиндан четлаштирилса? Ахир, ота-онанинг бунга имкони бўлмаслиги мумкин-ку. Шунинг учун болани аҳрайтиб қўйиш инсофданми? Эртасига ўғлимнинг тарбиячисидан "Сизлар овқат пулини бермаган болани аҳрайтиб қўйсизларми?", деб сўрасам, бундай эмаслигини айтди. Кўнглим сал хотиржам тортган бўлса ҳам, у бекорга бундай демаслигини сездим. Бола ёлғон гапирмайди...

Инсон оламнинг бизга маълум бўлмаган жиҳатлари бисёр. Кимгадир ҳақиқат бўлиб туюлган ишни бошқа биров қўралайди. Эндигина олами таниб келаётган мурғак фарзандларимиз тарбиясида қўшиқнинг йўл танлашимиз керак. Ҳа, бола учун кўзгумиз. Бу кўзгуда ижобий ва салбий томонларимиз, тўғри ва нотўғри хатти-ҳаракатларимизни бола ўлчаб кўради. Ўлчов ҳаммаша тўғри бўлгани яхши.

Райхона ХҲЖАЕВА, "Ma'rifat" муҳбири

Аллани оналар қалбига қайтариш керак

зандини дунёга келтирибди. Аммо чақалоқ худди аввалгилари сингари йиғла-масмиш. Шунда она қалбидида ҳадисиз аламлар нидо бўлиб отилиб чиқибди, еру қўқни ларзага солибди. Йиғламай, дардларини шикаста овозда қўйлаб бошлабди. Бу овоздан тоғу тош мумдек эрибди. Гўдак эса бирдан йиғлаб юборибди. Умидбахш йиғидан онанинг қалби ёришиб, боласини авайлаб бағрига босибди. Ўшал дардли қўшиқ алла экан. У ҳаёт қўшиғи деб ҳам аталайди.

Аллада офтоб ҳарорати, тошқин дарёлар мавжини ҳис этасиз. Она меҳри билан қалбимизга гўнчалар иси, қандақал буйи, ойдин кечада жимирлаб оққан сойларнинг сокинлиги жо бўлади. Алла сеҳри — унинг оналар муҳаббатидан яралганлигида.

Алла қадимдан йиғлаётган чақалоқни овутуш учун айтилган. У она қалбидан чиқаётган энг эзгу ниятларнинг қуйга солинган шаклидир. Аслида, алланинг аниқ бир шати йўқ. Уни ҳар бир она юрак тубидан чиқариб айтади. Ўзининг ҳаёти, фарзандидан кутаётган оруз-ниятларини оҳангга солади. Болалигида қулоғига алла сингган қизалоқ қўн келиб она бўлганида юрак-юракдан яна шу оҳангнинг такрорлайди.

Таассуфки, негадир асрлар давомида халқимизнинг кўнгил хазинасида ардоқлаб сақлаб келинган алла бугун бироз унутилгандек. Ёш оналар, келинчақлар, балоғат ёшидаги қизларнинг кўпчилиги бу қўшиқ намуналарини ёд билмайди. Қўйламоқчи бўлганларида ҳам, алла матини қаердан топиш, қай тарзда қўйлаш ҳақида маълумотга эга эмас. Бизнинг марказ бу борада уларга ёрдам беришга ҳамиша тайёр.

Бола саломатлиги учун илк терапия

Дилфуза ТУРДИЕВА, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти "Неонатология" кафедраси доценти:

— Алла фақат эзгу тилак, яхши ниятлар, мақтов ва эркалашлардан иборат бўлгани учун ҳам болани тезда тинчлантиради. Абу Али ибн Сино бобомиз "Тиб қонунлари"да бу борада шундай деган: "Боланинг мижозини қучатишроқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш

миқдорига қараб, боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади".

Ҳа, гўдак туғилишидан анча илгари ҳомиладорлиқнинг тахминан 16-ҳафтасидан бошлаб товушларни эшита бошлайди. Айтишларича, гўдақлар она қорнида-лигида доимий тинглаган мусиқаларини таниб қолиш ҳусусиятига эга бўлар экан. Яна мурғак гўдак она юраги уриши ва унинг товушини дарҳол илғайди. Шу сабабли она томонидан айтилган исталган алла қўшиғи чақалоқни тинчлантиришда таъсирлидир. Алла эшитадиган боланинг уйқуси тиниқ бўлади. Шунингдек, бу қўшиқ қаттидаги меҳри қалом боланинг руҳи тоза, қалби эса эзгуликка тўла ўсишига замин яратади.

Алланинг аҳамиятини дунёдаги қўллаб олимлар ўрганган. Қизларни оналикка

оналарнинг алла айтишни билмаслигини шундан деб биламан. Тажрибамдан маълумки, ёш оналар болани юпатишга уришиб, хонанинг у бурчагидан бу бурчагига зир қатнайди. Бунга тез-тез гувоҳ бўламиз. Шундай пайтларда бола қулоғига онанинг ёқимли овози, меҳрга қоришиқ алласи керак, деб ўйлайман.

Оналикнинг асл белгиси

Мунира ҚАҲҲОРОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси:

— Маънавий ёруғликдан баҳраманд бўлишнинг, миллий руҳда тарбиялашнинг бош бўғини — она алласи билан боғлиқ. Алла нафақат боланинг ором олишига, балки унинг мурғак қалбига меҳр-муҳаббат тўйгуларини уйғотишга хизмат қилади. Сут билан кирган жон билан чиқади,

дейишади. Алла, аввало, гўдакнинг борлиғига маънавий озуқа сифатида сингади. Алла эшитмай тарбия топиш, улайиш тафаккурни ажойиб тамойилларга қўлланганида кемтиқликни юзгага келтиради.

Эътибор берганмисиз, қўпичина оналар аллани чақалоғини бағрига босиб ёки бешик устига энгашиб айтади. Бунинг ҳикмати шунда эканки, онасининг илиқ нафасини сезаётган гўдак хотиржам, ҳушхол уйқуга кетаркан. Аллани оналар қалбига қайтариш керак. Шунда инсонларга меҳр ва шафқатни ҳам қайтарган бўламиз.

Тажрибада исботланган ҳақиқат!

Москвда ташкил этилган "Соғлом болаларни шакллантириш" лабораторияси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори М.Лазарев тажриба ўтказибди. У ҳомиладор аёлга она алласини ўргатиб, ҳар қуни соат 8:00 да айтишни ўқитибди. Аёл бирор ўн қўнча шундай қилибди. Қўнларнинг бирида белгиланган вақтда аллани айтиш ёш ҳомиладорнинг ҳаёлидан фаромуш бўлибди. Шунда айнан соат 8:00 да ҳомила безовталаниб, тирпириллаб кескин ҳаракатлар қилибдики, она бундан ўзини жуда нохуш сезибди. Кейин аллани бошлаган экан, ҳомила тинчланибди. Мазкур тажрибанинг ўзи ҳам бевосита руҳият билан боғлиқ оналар қўшиғининг бола ҳаётидаги ўрнига ишора қилаётгандек...

Дарҳақиқат, болага алла айтмасдан, кўтариб у ёқдан-бу ёққа тез-тез юриб, "ҳм, ҳм, ҳм" деб беўшлов овоз билан ухлатиб улайтириш эрта бир кўн ўзини оқлармикан? Ўзингиз ўйлаб кўринг: майин, ширин алла тинглаган бола қандай сокин тин оладую, аллақандай тушунарсиз гўнғиллашлар, ситлашлардан безор болакай қандай толиқиб ухлайди. Агар ухлай олса! Хархашлар билан катта бўлган бола улғайгач, бу йўрғакда теккан одатини ташлайди, деб ўйлайсизми? Агар шундай ўйласангиз, хато қилибсиз. Баъзида эшитиб қоламиз, нима эмиш алла айтишга баъзи бир хонимларнинг овози тўғри келмас экан...

Шундай опа-сингилларимиз алла айтиш учун овозмас, бир чимдимгина меҳр, чўгдайгина муҳаббат зарурлигини билишармикан?

Қиз бола аллани онасидан ўрганади. Гоҳо ўз жигаргўшасига алла айтмай, уришиб ухлатаётган онани кўрсам, теримга сизмай кетаман. Ҳозир айрим ёш

Қамола АҲМЕДОВА

Бугуннинг оҳанглари учун барчамиз жавобгармиз!

Меҳмонга бордим. Қарасам, тўрт яшар жияним "репертуар"идаги янги "композиция"ни мақтовга лойиқ ижрочидай, талтайиб "тақдир" қиларди. Охири эшитганим "О-ой чиқ, офтоб чиқ, қуни бўйи кутдим, оқшом чиқ!" бўлди. "Буни қаердан ўрганиб олдинг, зурашча?" десам, ойиси: "Телевизордан ёдлаб олган-да", деди. Ичим зириллаб кетди.

"Оммавий маданиятнинг шиддатли оқимида ўзи билиб-билмай оқиб бораётган бу гўдакни — жигаримни асраб қолишга қучсиз эканмидан бўшашиб тушдим. Шу пайт телевизорда "Наво энциклопедияси" чиқиб қолди. Наҳот бор экан-ку, деб энди чуқур нафас олай десам, орага лип этиб "Манго-манго-тантана-таъм!" қўшилди, жияним ҳам бу нағмага жўр бўлди. Не аламки, Сулаймон Юдаковдек буюк композитор ҳам шу "тантана-таъм"ларсиз (мазмунга бутунлай зид реклама лўқмасисиз) эсланмайдиган қўнларни кўриб ўтирса! Нима қилиш керак, ахир? Қандай курашиш керак бу глобал муаммо — сурбет "оммавий маданият" билан?!

Телевизорга қаранг, радиони эшитинг, газета-журнални арақланг, интернетни титинг — ҳамма ерда тижорат, тижорат. Улар эфирини сотади, эфирга чиқаётганлар молини, бу "мон"-га ҳақдорлар эса... нималарни бой беряпти?

Бу ҳақда кўп ўйлайман. Бутун дунёга тарқалган иллат бу, курашишнинг фойдаси йўқ, деб

қоламан баъзан. Ахир, бутун бошли тизим шаклланган бўлса, қандай қилиб пўлат изда изиллаб бораётган локомотивни тўхтаста оласиз? Бунинг учун уни кўплашиб тўхтатиб, кўпсонли пассажирларини тушириб, пўлат изларни кўпориб ташлаб, ўрнига янгисини ўрна-тиш, кейин ҳаммасини янгидан изга солиш керак бўлади... Шунинг имкони борми? Ниманинг имкони бор? Нима қила оламиз? Ҳаммасини давлатнинг бўйнига қўйиб, асабимиз дош бермаса, телевизор ва радиони ўчириб, тўй-тантанага борганда қулоғимизни чиппа берки-тиб ўтираверамизми?

Давлат жамиятини, миллатни шу маънавий "тижорат"дан қутқариш учун нима чоралар кўрмаяпти, дейсиз! Лекин жамиятнинг ўзи, ўзагининг бу кайфиятдан чиқиш нияти йўқдек, савиясиз концертларни баймайлхотир томоша қилаяпти, тўйларда тутуриқсиз хиргойиларга берилиб ўйнаяпти. Ахир нима учун давлат чекка қишлоқларда ҳам мусиқа мактаби очиб, республика бўйича уларнинг сонини қарийб 300



Siz nima deysiz?



тага етказди? Отарчилар бозорини қайнатиш учун эмас-ку! Асл мусиқа, асл санъатни тушунадиган, севадиган, асрайдиган авлодни шакллантириш учун, миллатни маънавий таназзулдан сақлаш учун қилинган-ку, бу ишлар!

Буюк маънавий мерос яратган аждодларимиз нақадар баланд, нақадар савияли бўлган! Мусиқанинг жамият тарбияси йўлидаги ўта таъсирчан восита эканини, росмана қурол эканини улар чуқур идорқ этган. Ҳақиқатан, мусиқа ва оҳангда гап кўп. Оҳангга қараб жамият ранг олади, тусланади, товланади. Шу маънода мусиқа бу — жамият тақдир, демаски, миллат учун ҳаёт-мамот масаласи деганидир. Мусиқий оҳангларнинг ўзгариши, сийқаланиши туб қадриятларнинг ўзгаришидир. Биргина мисол келтирай: 1960-йилларнинг рок мусиқаси. Бунинг жамият феъл-атворидаги акс садои ахлоқий меъёрлардан чекиниш, ғиёҳ-вандлик, хирсий революция сингари эврилишлар билан аянчили хотима топди. Рок мусиқа одамларнинг қалбини бузди, дунёга, атрофга муносабатини терслагаттирди. Ўша давр, ўша мусиқа ишқибозларидан туғилган авлод сон-

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим
ҚИРФИЗ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2017-2018 ўқув йилида
фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

Т/р	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъмин-ланиш тури
1-синф				
1	Алифбе (Алиппе)	А.Юнусалиева ва б.	2017	Бепул
2	Ёзув дафтери (Жазуу дептери)	А.Юнусалиева ва б.	2017	Бепул
3	Она тили (Эне тили)	А.Юнусалиева ва б.	2017	Бепул
4	Ўқиш китеби (Оқуу китеби)	А.Зулхорова ва б.	2017	Бепул
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2017	Бепул
6	Математика дафтери	М.Жумаев ва б.	2017	Бепул
7	Атрофимиздаги олам	М.Аҳмедова ва б.	2017	Бепул
8	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2017	Бепул
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2017	Бепул
10	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2017	Бепул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2017	Бепул
12	Инглиз тили "Kids' English-1"	М.Ирискулов ва б.	2017	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit spaß-1"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
14	Француз тили "Hirondelle-1"	С.Раҳмонов ва б.	2017	Бепул
15	Технология	И.Маннопова	2017	Бепул
2-синф				
1	Ўзбек тили	А. Рафиев ва б.	2016	Ижара
2	Она тили (Эне тили)	С.Рисбаев ва б.	2016	Ижара
3	Ўқиш китеби (Оқуу китеби)	Г.Тўхтабаев ва б.	2016	Ижара
4	Русский язык	З.Абдураимова	2016	Ижара
5	Математика	Н.Абдураҳмонова ва б.	2016	Ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Ғуломов ва б.	2016	Ижара
7	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2016	Ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2016	Ижара
9	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2016	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2016	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-2"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
12	Инглиз тили машқ дафтери "Activities book-2"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit spaß-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
14	Немис тили машқ дафтери "Arbeitsheft-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle-2"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул
16	Француз тили машқ дафтери "Cahier d' exercices-2"	С.Раҳмонов ва б.	2017	Бепул
17	Меҳнат таълими	Х.Санакулов ва б.	2016	Ижара
3-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2016	Ижара
2	Она тили (Эне тили)	С.Рисбаев ва б.	2016	Ижара
3	Ўқиш китеби (Оқуу китеби)	А.Зулхорова	2016	Ижара
4	Русский язык	Н.Сергеева ва б.	2016	Ижара
5	Математика	С. Бурханов ва б.	2016	Ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахронов ва б.	2016	Ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2016	Ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2016	Ижара
9	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2016	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2016	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-3"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
12	Инглиз тили машқ дафтери "Activities book-3"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit spaß-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
14	Немис тили машқ дафтери "Arbeitsheft-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle-3"	С.Раҳмонов ва б.	2017	Бепул
16	Француз тили машқ дафтери "Cahier d' exercices-3"	С.Раҳмонов ва б.	2017	Бепул
17	Меҳнат таълими	Х.Санакулов ва б.	2016	Ижара
4-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2017	Ижара
2	Она тили (Эне тили)	М.Темирова	2017	Ижара
3	Ўқиш китеби (Оқуу китеби)	Г.Эралиева ва б.	2017	Ижара
4	Русский язык	М.Каримова ва б.	2016	Ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2017	Ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахронов ва б.	2017	Ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2017	Ижара
8	Музыка	О.Иброҳимов ва б.	2017	Ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2017	Ижара
10	Технология	И.Маннопова ва б.	2017	Ижара
11	Тасвирий санъат	А.Сулaimонов ва б.	2017	Ижара
12	Инглиз тили "Kids' English-4"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
13	Инглиз тили машқ дафтери "Activities book-4"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
14	Немис тили "Deutsch mit spaß-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
15	Немис тили машқ дафтери "Arbeitsheft-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
16	Француз тили "Hirondelle-4"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул
17	Француз тили машқ дафтери "Cahier d' exercices-4"	С.Раҳмонов ва б.	2017	Бепул
5-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2015	Ижара
2	Қирғиз тили (Қирғыз тили)	М.Темирова ва б.	2015	Ижара
3	Адабиёт (Адабият)	Г.Эралиева ва б.	2015	Ижара
4	Русский язык	Ю.Мусурмонова	2016	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High "	Л.Жўраев ва б.	2017	Бепул
6	Немис тили "Deutsch"	З.Қиёмова ва б.	2017	Бепул
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2017	Бепул
8	Тарихдан ҳикоятлар	У.Жўраев ва б.	2015	Ижара
9	Математика	Б.Ҳайдаров	2015	Ижара
10	Ботаника	У.Пратов ва б.	2015	Ижара
11	Информатика	Д.Қамолитдинова	2016	Ижара
12	География (Табиий география бошланғич курси)	П.Ғуломов ва б.	2015	Ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
14	Музыка	А.Мансуров ва б.	2015	Ижара
15	Меҳнат таълими	Ш.Шарипов ва б.	2015	Ижара
16	Тасвирий санъат	Т.Қўзиёев ва б.	2015	Ижара
17	Жисмоний тарбия	Т.Усмонқўжаев ва б.	2015	Ижара
6-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2017	Ижара
2	Қирғиз тили (Қирғыз тили)	С.Усеналиев ва б.	2017	Ижара
3	Адабиёт (Адабият)	Б.Алимов ва б.	2017	Ижара
4	Русский язык	Г.Ғасилова ва б.	2017	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2013	Бепул

Т/р	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъмин-ланиш тури
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	Бепул
7	Француз тили «Voyage en France»	З.Абдушукророва ва б.	2013	Бепул
8	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2017	Ижара
9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2017	Ижара
10	Физика	Н.Турдиев	2017	Ижара
11	География	А. Соатов ва б.	2017	Ижара
12	Биология (Ботаника)	У.Пратов ва б.	2017	Ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2017	Ижара
15	Музыка	С.Бегматов ва б.	2017	Ижара
16	Технология	Ш.Шарипов ва б.	2017	Ижара
17	Тасвирий санъат	Қ.Мирзааҳмедов ва б.	2017	Ижара
18	Жисмоний тарбия	Т.Усмонқўжаев ва б.	2015	Ижара
7-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2017	Ижара
2	Қирғиз тили (Қирғыз тили)	В.Мусаева ва б.	2017	Ижара
3	Адабиёт (Адабият)	Б.Алимов ва б.	2017	Ижара
4	Русский язык	С.Исламбекова ва б.	2017	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2013	Бепул
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	Бепул
7	Француз тили «Bon voyage»	В.Бухин ва б.	2013	Бепул
8	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов ва б.	2017	Ижара
9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2017	Ижара
10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2017	Ижара
11	Геометрия	А.Аъзамов ва б.	2017	Ижара
12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2017	Ижара
13	Кимё	И.Асқаров ва б.	2017	Ижара
14	Биология (Зоология)	О.Мавлонов	2017	Ижара
15	География	П.Ғуломов ва б.	2017	Ижара
16	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2015	Ижара
17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2017	Ижара
18	Технология	Ш.Шарипов ва б.	2017	Ижара
19	Музыка	О.Иброҳимов ва б.	2017	Ижара
20	Жисмоний тарбия	Т.Усмонқўжаев ва б.	2017	Ижара
8-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2014	Ижара
2	Қирғиз тили (Қирғыз тили)	Б.Умиралиев ва б.	2014	Ижара
3	Адабиёт (Адабият)	М.Парпиев ва б.	2014	Ижара
4	Русский язык	М.Рожнова ва б.	2014	Ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2014	Бепул
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукророва ва б.	2014	Бепул
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2014	Ижара
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2014	Ижара
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Қаримова ва б.	2014	Ижара
11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўқор ва б.	2015	Ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2014	Ижара
13	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
14	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
15	Геометрия	А.Раҳимқориев	2014	Ижара
16	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
17	Кимё	И.Асқаров ва б.	2014	Ижара
18	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2014	Ижара
19	География	П.Мусаев ва б.	2014	Ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонқўжаев ва б.	2017	Ижара
9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2014	Ижара
2	Қирғиз тили (Қирғыз тили)	Б.Умиралиев ва б.	2014	Ижара
3	Адабиёт (Адабият)	М.Парпиев ва б.	2014	Ижара
4	Русский язык	Р.Усмонова ва б.	2014	Ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2014	Бепул
7	Француз тили «D'un Etat à l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2014	Бепул
8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллабоев ва б.	2014	Ижара
9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2014	Ижара
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	2014	Ижара
11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2015	Ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2014	Ижара
13	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
14	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
15	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2014	Ижара
16	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
17	Кимё	И.Асқаров ва б.	2014	Ижара
18	Биология, Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2014	Ижара
19	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А. Қаюмов ва б.	2014	Ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
10-синф				
1	Қирғиз тили (Қирғиз тили)	Ш.Уринбаева ва б.	2017	Ижара
2	Адабиёт (Адабият)	М.Темирова ва б.	2017	Ижара
3	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2017	Ижара
4	Русский язык	С.Исламбекова ва б.	2017	Ижара
5	Инглиз тили	Ф.Рашидова ва б.	2017	Ижара
6	Немис тили	С.Абдуллаева ва б.	2017	Ижара
7	Француз тили	З.Давронова ва б.	2017	Ижара
8	Ўзбекистон тарихи	К.Ражабов ва б.	2017	Ижара
9	Жаҳон тарихи	Ш.Эргашев ва б.	2017	Ижара
10	Дунё динлари тарихи	З.Исломов ва б.	2017	Ижара
11	Давлат ва ҳуқуқ асослари	Н.Исмаилова ва б.	2017	Ижара
12	Маънавият асослари	В.Қўқоров ва б.	2017	Ижара
13	Математика (алгебра ва анализ асослари, геометрия)	Ш.Исмаилов ва б.	2017	Ижара
14	Информатика ва ахборот технологиялари	Н.Тойлоков ва б.	2017	Ижара
15	Физика	Н.Турдиев ва б.	2017	Ижара
16	Органик кимё	С.Машарипов ва б.	2017	Ижара
17	Биология	А.Ғофуров ва б.	2017	Ижара
18	География	Ш.Шарипов ва б.	2017	Ижара
19	Чакруева ҳадар бошланғич тайёргарлик	Ш. Убайдуллаев ва б.	2017	Ижара

2017-yil 19-avgust, № 66 (9027)

Асл ҳаётдан ҳақиқат ҳаёти

“Кўпчилик одамлар жонсиз деб билган китоб уларга нақадар саводсиз эканликларини исботлаб бера олади”, дейди Оскар Уайлд. Китобнинг жони бор. У устоз, дилкаш суҳбатдош, ишончли дўст. Инсоннинг юксак мартабага эришишида айнан китобнинг хизмати беқийс. Улар сир-синаотлар олами, биз ўзлаштирган ва ўзлаштирмаган дунё. Неча аср оралаб, қўлдан-қўлга, кўнгилдан-кўнгилга кўчиб, шу кунга қадар етиб келган бебаҳо мерос. У инсонга ҳеч қачон йўқолмайдиган, юрар йўлини ёруғ қиладиган билим деб аталмиш бойликни тортиқ этади. Бу сирни неча минг йиллар муқаддам инсоният англаган дамдан бошлаб, фарзандларига хат таълимини ўргатган. Ҳар бир миллат ўзига хос ҳарфларни яратган ва бой тажриба, билимини кейинги авлодларига ёзиб қолдирган. Ўқиш бу — ўтмишни билиш, келажакдан бохабар бўлиш ва бугунги кунда баркамол яшаш дегани.

Ўқиш — минглаб имкониётлар сари очилган эшикдир. Чунки айнан китоб ўқиш орқали умрни англаймиз, ўзимизни кашф этамиз. Китоб асл ҳаётдан кўра ҳаётӣ. Инсоният мол-дунё, яқин қариндошларини йўқотса ҳам, дурдона китобларни сақлаб қолган. Хали фан-техника ривожланмаган даврда тош ва ёғочларга, ҳайвон териларига ёзган. Энг асосий ёзув бу — кўнгилларга кўчган сўзлардир. Халқ оғзаки ижодининг шу кунгача етиб келишининг ўзи мўъжиза эмасми?! Мана халқимизнинг нақадар китобсевар, илму маърифатга жон қадар яқинлигининг исботи.

Қорақалпоқ фольклорида халқимиз кўчманчилар ҳужумини бартараф этишда, душманлар устидан зафар қозонишида айнан адабиётнинг қудратидан фойдаланганлиги ҳақида кўплаб ривоятлар бор. Жанг пайтида жировлар қаҳрамонлик достонларини маромига ётказиб ижро этган. Бу оловли сўзлар шу халқ фарзандларининг кучига куч қўшган. Буни англаган душманлар айнан жировларни йўқ қилишга уринган. Аммо бир жиров вафот этса унинг шоғирди дарҳол созини қўлга олиб, келган жойида достонни давом эттирган. Сўз билан созининг қудратли куч эканлигини халқимиз қадим замонлардан билган ва ҳаётда муваффақиятли қўллаган. Шу боис бахши-жирови бор халқнинг ботири кўп бўлади, деган ҳикмат яратилган.

Бугун шу халқ оғзаки ижодини ўқиб, ота-боболаримизнинг бой ҳаётӣ тажрибалари ва зарур билимларини ўзимизга оламиз. Руҳимизда қандайдир ўзгариш сезамиз. Табиат баҳор келиши билан яшаргани каби кўнглимиз ёришади. Чунки қай ерда уйғониш бўлса, таъриқий куч олади. Уйғонмасак, қуёшни кўра олмаймиз. Бизни уйғотадиган куч — китоб. Жадидаларнинг халқни саводли қилиш йўлида олиб

борган саъй-ҳаракатларида айнан шу эзгу гоя ифодаланган эди. Билимли, китобсевар инсонларни асло енгиб бўлмайди. Ўзлигини англаган, ўз эркин фикрига эга инсон доим мустақилдир.

Шу боис қайсидир халқ ёки давлатни бўйсундирмоқчи бўлган қаразли кучлар биринчи бўлиб шу халқнинг адабиёти ва маданиятини йўқотишга жиддий эътибор қаратишади. Маънавияти суст, дунёқараши саёз инсонларни қармоққа тушириб, улардан қурол сифатида фойдаланади. Айниқса, бугунги кунда инсон онига ҳужум кучайди. Шу боис ҳам китоб ўқиш ва яна бир бор ўқиш кўникмасини оширишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Аммо инсонни китобсевар қилиб тарбиялаш масаласи ҳали ҳам долзарб.

Немис композитори Роберт Шуман «Рух озиғи худди тана озиғи каби оддий ва соғлом бўлиши керак», дейди. Руҳимизни озиклантирадиган китобларга нисбатан бу гапни ишлатсак, биз қандай китобларни ўқишимиз керак? Танлаш имкони кўп бўлганда танлаш қийин кечади, албатта. Иккинчидан, вақт танқислигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Аммо китоб ўқиш учун сарфланган вақт умримизнинг энг мазмунли дамлари. Инсон излаган нарсасини айнан китоблардан топар экан, ўқиш учун сарф бўлган вақт ўз қийматиға эгадир.

Тирикчилигимиз, инсонийлигимиз белгиси — фикрлашимизда. Биз ўқиш орқали асардаги қаҳрамонлар тақдирдан ўзига хос хулоса чиқариб, яхши хусусиятимизни ривожлантириб, камчиликларимизни тузатамиз. Адабиётнинг қудрати ўқувчини гўзалликка ошно этиши, эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашида намоён. Лекин китоблар фақат адабиётдан иборат деган хулоса келиб чиқмаслиғи керак. Турли илм-фан сирларини ўзида жамлаган китоблар, жумладан, дарсликлар ҳам инсон ҳаётида катта роль ўйнайди. «Дарсликлар қизиқтирадиган ва ёқимли бўлиши лозим; бунинг учун улар билим ва илмнинг энг қувноқ, энг тушунарли тарафларини ёритиб бера олиши керак»,



дейди Гёте. Шу боис дарсликлар тузишга жиддий эътибор қаратиш, уларни осон ва қизиқарли мисоллар билан бойитиш зарур. Ёш авлоднинг китоб билан дўст бўлиши — оила, таълим муассасасидаги шароитга ўзвий боғлиқ.

— Умумий китоб фондимиз 124 265 дона, — дейди Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти АРМ директори Рита Аманбаева. — Фойдаланувчилар учун барча қўлайликлар мўҳайё. 102 та компьютеримизнинг барчаси интернет тармоғига уланган. Талабалар қўшимча маълумотларни керакли сайтлардан юклаб олиш имконига эга. Шунингдек, АРМ муассаса ҳудудида жойлашган МФЙ аҳолиси учун ҳам хизмат кўрсатади.

Ўқитувчи ва ўқувчининг қуроли китоб. Ҳар қандай таълим муассасаси етарли даражада дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминланса, таълим сифати юксалади. Буни кўплаб ютуқларга эришадиган ёшлар мисолида қўйишимиз мумкин. Масалан, Президент стипендияси соҳибаси Гулжаҳон Сейтназарова ҳозир Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистратура босқичида журналистика мутахассислиги бўйича таҳсил олмоқда.

— Ёришган ютуқларимизда амрида ўқиган китобларимизнинг ҳиссаси катта, — дейди у. — Устоз саволларига жавоб беролмай қолишимиз боиси эса кам ўқиганимиз, кам изланганимизда. Чунки ҳар қандай саволнинг ечимини ҳаётдан ва китоблардан топиш мумкин. Ҳаттоки, келажакни ҳам олдиндан кўрса бўлади.

Мо-қизининг шоғирди Пэн Цин устизга деди:

— Ўтмишни билиш мумкин, аммо келажакда нима-лар юз беришини аввалдан билиб бўлмайди.

Мо-қиз шоғирдига жавобан шундай деди:

— Фараз қилинган, юз ли узокликда яшовчи яқин кишиларинг бошига оғир кулфат тушди. Вазият шундайки, бир кунда уларнинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлади. Агар сен ана шу бир кун ичида уларнинг қошига етиб боролсанг, тирик қоладилар, акс ҳолда ҳалокатга маҳкум бўлади. Қаршингда эса манзилга элтувчи икки арава турибди. Араваларнинг бири ўта мустаҳкам ва бақувват отлар қўшилган, иккинчисининг эса гилдираклари синган ва бир жуфт орик от қўшилган. Қани, айт-чи, сен қай бирини танлайсан?

— Албатта, бақувват аравани танлайман-да!

Шунда Мо-қиз истехзо билан деди:

— Хўш, унда нима сабабдан келажакни олдиндан кўриб бўлмайди, деяпсан?

Гулжаҳон ўқиган китобларидан ўзига манзур ажойиб ҳикматни мисол сифатида келтириб, сўзга сайқал бериб, суҳбатдошининг эътиборини тортишга муваффақ бўлди. Ўқишнинг фойдаси — одам чиройли фикрлашни ва маъноли сўзлашни ўрганади. Ўқиш ҳам бамисоли ижод. Чунки ўқувчининг ўқиш усули турлича, фикрлаши турфа хил. Битта китобни юз киши юз хил ўқийди, юз хил талқин этади. Китобни бир ўқиш билан ўқиб тугатдим деб ҳам бўлмайди. Яхши китобларни иккинчи ва учинчи бор қайта ўқиганда аввал пайкамаган янги жиҳатларини кашф этасиз. Шу боис қайта ўқиш малакасини эгаллаш керак. Ўқиш — чегарасиз машғулот, сабрли бўлишни талаб этади. Лекин дангасалikka берилиб, ўзимизни ўқишдан чекласак, ҳаётӣ муаммолар олдида ожиз қоламиз. Темир ишлатилмаса занглаганидек, одам ўқимаса тубанлашади. Жаҳлдор, қасоскор, бошқаларни кўра олмайди деган бўлади, кўплаб салбий ҳислатларни ўзида

жамлайди. Чунки онгимиз оч. Нимадир тановул қилиши шарт. Ўзини қадрлаган, севган, ўзига яхшилиқни раво кўрган одам китоб ўқийди.

— Мен ёзувчи сифатида, шу йилнинг ўзида ишга тушиши белгиланган Ибройим Юсупов номидаги 216 ўринли иқтидорли болалар мактаби ҳақида сўзламоқчиман, — дейди Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Муратбой Низанов. — Бу мактаб ва унинг олдида ўрнатиладиган шоирнинг бюсти — буюк шоиримизга кўрсатилаётган катта ҳурмат, шунинг билан бирга қорақалпоқ адабиётига қаратилган юксак эътибор бўлди. Ибройим Юсупов боғини яратиш қўлига қалам олган ҳар бир қорақалпоқ ижодкорининг, шу билан бирга шоирнинг кўп сонли мухлисларининг қўлида юрган орзу эди.

Дарҳақиқат, шоир-ёзувчиликни орзу қилган, ижод ахлини ҳурматлаган халқнинг келажаги буюқдир. Авар халқининг сеvimли шоири Расул Ҳамзатов таъбири билан айтганда: «Агар сендан кимлигингни сўрашса, барча маълумотларинг ёзилган паспортингни кўрсатишинг мумкин. Агар халқдан кимлигини сўрашса, у шундай ҳужжат ўрнига ўзининг олимини, шоирини, рассомини, бастакорини, сиёсий арбобини, саркардасини кўрсатади».

Китоб, муталаа бизни келажакда халқ тимсолига айлантириши мумкин. Билим асоси китобда экан — ўқишни ҳар кунлик одатга айлантириш зарур. Буюк ватанпарварлик, инсонпарварлик — инсоннинг ўзини англаши ва камол топишида. Соғлом тана ва гўзал қалбдагина эзгу ниятлар гуллайди.

**Несибели
МАМБЕТИРЗАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири**

Кинематография ҳақида сўз кетса, дунёнинг исталган нуқтасида биринчи бўлиб «Ҳолливуд» деган сўз тилга олинади. XX асрнинг энг улкан кашфиётларидан бири бўлган кино соҳасининг мислсиз даражада тараққий этиши ва улкан тижорий тармоққа айланишида ҳам Ҳолливуд фильмларининг ўрни бекиёс. Аммо кимдадир: «Ниманинг эвасига Ҳолливуд бу қадар шухрат қозонди?», «Қайси омиллар туфайли Ер шаридаги турли миллат ва ирққа, дину насл-насабга эга миллионлаб одамлар қалбига йўл топди?» каби саволлар, албатта, туғилади.



Кўхна Калифорния эртаги



«Ҳолливуд» англисча сўз бирикмаси бўлиб, «holly» — падуб (найзабаргли дарахт тури), «wood» — ўрмон, яъни «падуб ўрмони» маъносини англатади. У АҚШнинг Калифорния штатида тегишли Лос-Анжелес шаҳрининг шимол-ғарбида жойлашган. Ушбу ҳудудда Америка киноиндустриясига алоқадор кўплаб киностудиялар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, аксарият киноюлдузлар шу ерда истикомат қилади.

Ҳолливуднинг жаҳонга машҳур жойларидан бири шон-шараф майдони бўлиб, Ҳолливуд хиёбони ва Вайн-стритни боғловчи йўлакани ўз ичига олади. Мазкур тротуарда 2600 дан зиёд беш қиррали юлдуз бўлиб, ҳар бирининг ичига кўнгилочар индустрия ривожига улкан ҳисса қўшган намоёндаларнинг исм-шарифи ёзилган. У ўз мавқеи ва бетакдор маданий жиҳатлари эвасига кўпгина Америка киносоҳати тимсоли, дея эътироф этилади.

Шунингдек, Ҳолливудни юзаки жозибаси, халқона айтганда «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» эканига ишора қилиб, «Tinseltown» деб атовчилар ҳам бор. Чунки ушбу киноконцерн ишлаган аксарият фильмлардаги манзараларнинг деярли барчаси Ҳолливуд шаҳарчасида моҳир усталар томонидан макет тарзида, базан чинакамига ясалади. Ҳозир Вестсайда бўлгани каби киносоҳат қисмлари шаҳарчининг турли жойларида жойлашган. Яъни, монтаж, эффектлар билан ишлаш, реквизитлар, якуний монтаж ва ёритиш каби юмушлар Ҳолливуд зиммасида қолади. Ҳатто табиий сўзма майдонини хушлаши билан донг таратган «Paramount Pictures» кинокомпанияси ҳам Ҳолливудсиз ишолмайди.

Унинг кўплаб тарихий театрлари янги бадий фильмларнинг асосий премьераси ва Америка киноакадемиясининг тақдирлаш маросимлари ўтказиладиган жой сифатида машҳур. Бу жойлар ва Ҳолливуд шон-шараф майдонидаги уйга тунда сайр қилишни ёқтирадиганлар ҳамда сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадилар.

Ҳолливуд гарчи Лос-Анже-

лес ҳудудида жойлашган бўлса-да, у шаҳарнинг одадий туманларидан бири эмас. Аниқроғи, 2005 йилнинг 16 февралда Ассамблея аъзолари Голдберг ва Корец Ҳолливуд мустақиллигини қайта рўйхатга олиш бўйича қонун лойиҳасини тақлиф этди. Бунинг учун «кино олами»нинг чегаралари аниқланди. Бу лойиҳа Ҳолливуд савдо палатаси ҳамда Лос-Анжелес шаҳар кенгаши томонидан қўллаб-қувватланди ва 588-Ассамблеяда губернатор ушбу қонун лойиҳасини қабул қилди.

Айни дамда Ҳолливуд ерларни расман ўз чегарасига эга. Сарҳадларини тахминан куйидагича ёзиш мумкин: шарқда Беверли Хиллз ва Фарбий Ҳолливуд, жанубда Малхолланд Драйв, Дафна дараси, Кахуенг хиёбони ва Бархам хиёбони, шунингдек, Бербанк ва Глендейл, шимолда Мелроуз проспекти ва ғарбда Голден Стэйт магистрალი ва Гиперион проспекти билан чегарадош. Бу ерга яна икки ҳудуд — Гриффит ва Лос-Фелли паркинни киришти мумкин.

Лос-Анжелес шаҳрининг бир қисми сифатида Ҳолливуднинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораси йўқ. Лекин унинг расмий мақомага эга савдо палатаси бор бўлиб, палата аъзолари тантанали тадбирларга бошчилик қиладиган шахс — фахрий «Ҳолливуд ҳокими»ни сайлайди.

Нега «Бугдойзор» эмас?

Бугунги ҳашаматли Ҳолливуд жойлашган ҳудудда 1853 йили сомонли лойдан қурилган қулбанамо уйдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Ҳатто 1870 йилгача бу ерлар бугдойзор бўлган. Аммо нима учун Ҳолливуд деб номлангани ҳалигача тарихчиларни ўйлантиради. Масалан, «Бугдойзор» дейилса, бўлмасмиди?

Манбаларда келтирилишича, бу ном Ҳолливуд асосчиси Гобарт Жонстоун Уитли билан боғлиқ экан. Маргарет Виржиния Уитли мемуарида қайд этилишича, Гобарт рафиқаси билан ўтказган «асал ойи» пайтидаги учрашувларини шундай атаган. Ҳолливуд атамасидан Г.Г.Уилкокс 1887

йилда ўзининг 160 акр майдони бор фермасини белгилаб чиққан, фойдаланган. У тарихий китобларга кириш учун кўшниси Ивара Вейддан бу сўзни «қарзга олганмиш». 1900 йилгача меҳмонхонаси ва иккита бозори бор, 500 киши яшайдиган Кахуэнг ушбу ҳудуд маркази эди.

Ҳолливуд 1903 йилда ўз-ўзини бошқарадиган жой сифатида рўйхатга олинди. Шаҳар нуфузи бўйича аҳоли яшаш пункти деб аталади, у ерда дорифурушлардан бошқаларга ликёр сотиш ва кўчаларда 200 дан ортиқ бош улкан шохли чорвани олиб ўтиш тақиқланди. 1904 йилда илк марта янги троллейбус Лос-Анжелесдан Ҳолливуднинг юқори қисмидаги Проспект-авенюга қатнай бошлади.

Тўғри, Лос-Анжелес ҳудудида Ҳолливуд пайдо бўлмагандан олдин ҳам киноасарлар суратга олинган. Хусусан, 1906 йилда «Биограф» компаниясининг «Жанубий Калифорниядаги қўйилмақом ўғрилиқ» деб номланган қисқа метражли фильми ишланган. Бу ҳудуддаги биринчи киностудия — «Selig Polyscope Company» эса 1909 йилда Эдиндэйлда қурила бошланган.

Ҳолливуднинг биринчи студияси Кентавр компанияси бўлиб, унга Нью-Жерсида асос солинган. Ушунда Калифорнияда вестернлар суратга олиш режалаштирилганди. Улар каттагина ҳудудни кино олами яратилиши учун ижарага олган ва 1911 йилнинг октябрь ойида «Некстор студияси» «оёққа турган». Кейинроқ бу ишоот Ҳолливуднинг кинолабораториясига айлантирилди. Айни кез у «Hollywood Digital Laboratory» деб номланди. Ҳолливуд студиясида бевоқиф суратга олинган биринчи тўлиқ метражли бадий фильм «Нар индианка» бўлиб, у 1914 йилда Сесил Б. Де Милль ва Оскар Апфел ҳамкорлигида кинотасмага туширилган. Унгача Лос-Анжелесда «Тундан тонгача» (1913) ва «Денгиз бўриси» (1913) номли фильмлар олинган.

Ҳолливуднинг тўрт устуни — «Paramount», «Warner Bros.», «RKO Pictures» ва «Columbia» студиялари бўлиб, уларнинг ичида ҳам бир қатор кичик компаниялар мавжуд.

Ҳолливуд бўлвари

1920—1940-йилларда Ҳолливуд АҚШ киносоҳати мар-

кази сифатида бутун дунёга танилиб улгурди. 1947 йили январда Фарба биринчи пулли телевизион станция иш бошлади. Вайн-стритдаги машҳур «Capitol Records» биноси 1956 йилда қад ростлади. Унда жамоат кўзидан йироқ, аммо кўрган кишининг баҳридини очгулик дизайнга эга офислар ва овоз ёзиш студиялари жойлашган.

Айни кез ташландиқ жойга айланган Ҳолливуд бўлвари бурчаклари ва Серрано-авенюси қачонлардир гавжум ва ҳашаматли Ҳолливуд профессионал мактаби бўлган. Бунни ёшлар, санъат институтлари битирувчилари ўша жойларга «муҳрланган» исмлардан билиб олиши мумкин.

Аммо вақт шиддатига дош бериш мушкул. Ҳолливуд киноконцернининг Лос-Анжелесдаги павильонлари ҳам 1980-йилларнинг ярмига келиб талабга жавоб беролмай қолди. Кино имкониятлари ортиши, замонавий кинокамераларнинг ихтиро қилиниши ва дунё бўйлаб рақобат кучайиши каби қатор омиллар ушбу кинематографларни Ҳолливуд қобилини ёриб чиқишга мажбур қилди. Кинофильмлар учун қурилган бутун бошли шаҳарчалар харобага айланди. Рақобат макетлар, тасвирлар чизиб қўйилган плакатлар, баннерлар замонага яқун ясади. Табиий манзаралар «жўгрофия»си кенгайди.

1985 йилда Ҳолливуд бўлвари муҳофаза қилиш учун АҚШ миллий реестрига киритилди. 2001 йилда очилган Кодак театри аввал тарихий меҳмонхонага, кейин «Оскар» уйига айланди. Бу пайтда Ҳолливуднинг Лос-Анжелес ичида «жон сақлаб қолган» бирдан-бир студияси «Paramount Pictures» бўлди... Айни кез Ҳолливудда 170 000 га яқин киши яшайди.

Фан ва кино

Жорий аср аввалида АҚШ миллий фанлар академияси (National Academy of Sciences) Ҳолливуд билан ҳамкорликда ажойиб лойиҳага қўл урди. Гап шундаки, киноконцерн сценарист ва режиссёрга олимлар гуруҳини бириктириб қўйди. Улар тасвирга олиш жараёнида киночилар билан бирга ишлади ва бадий фильмнинг ҳаётий ҳақиқатга монанд тарзда суратга олиниши таъминланди. Бу воқелик дунё киносини том маънода ларзага солди. Кино ихлосмандлари эътиборидан қолаётган Ҳолливуд яна қайта порлади, ўз чўққисига қайтиб чиқди.

Кейинчалик кино соҳатида олимлар қатори сиёсатчилар, америкапараст продюсерлар аралашди. Натижада ҳар бир кинога «АҚШ бренди» ёпиштириладиган бўлди. Яъни, дунё микёсида оммалашган, айниқса, фалокату, ҳалокатларга бағишланган йирик масштабдаги фильмларга бир хил гоа ва мафкура сингдирилди. У ҳам бўлса, АҚШнинг ҳар жиҳатдан — мудоффа, разведка, инсонпарварлик ва илм-фанда сайёрамизда энг «тенгсиз»лигини кўз-кўз қилувчи, ерликлар-

га бот-бот эслатувчи ва шундай тасаввур пайдо қилувчи фильмлар яратилди. Фантастик ва мураккаб сюжетли фильмлари замирида агар АҚШ бўлмаса, Ер сайёрасини «сув босади», «метеорит бўлаклар, кулини фазога сочиб ташлайди», «баҳайбат махлуқлар кўнпаякун қилиб ташлайди», «ўзга сайёраликлар борлиққа ўт қўяди», «музлик даври ёки глобал иситиш (касаллик) туфайли одамлар кирилиб кетади», «террорчилар портлатиб юборади» каби ваҳималар томошабин онгига сингдирила бошлади. Америка Ернинг бирдан-бир халоскори, пешонасига битган бахт-қуёши қилиб кўрсатилди.

Бундан ташқари, ҳар бир асар АҚШнинг қайсибир «юксак қирра»сини тарғиб қилиш учун хизмат қилади. Базан санъати, маданияти, архитектура, овқатлари, транспорт, спорт турлари, ҳарбий қўшини, қурол-аслаҳалари, кимёвий-ҳарбий салоҳияти, ҳаёт тарзи ва ҳоказолар. Бу фильмларни кўриб улғаяётган ўзга юрт, ўзга қитъа одамлари ҳаёлида Америка «жаннат» бўлиб товланади. Уни бир бора бўлса ҳам кўришга, одамлари билан учрашишга ошпади. Натижада мамлакатдан сайёҳлар қадами узилмади, арзон ишчи кучи ўз оёғи билан оқиб келаверади.

Ҳа, санъат, айниқса, бадий фильмлар катта куч, катта тўлқин. Бугунги мураккаб ва таҳликали даврда унинг маънавий-мафкуравий кудратидан самарали фойдаланиш лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда бир гуруҳ ижодкор зиёлиларимиз, хусусан, кинематография соҳаси ходимлари билан учрашганда бадий фильмларимиз савияси ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди: «...кино соҳаси фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, бу борада муайян ютуқлар билан бирга, жиддий камчилик ва нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Базми фильмларда майда мақсадлар билан яшайдиган, ҳаётга фақат истеъмолчилик қайфияти билан қарайдиган кимсалар асосий қаҳрамон сифатида тасвирланаётгани ташвиш уйғотмасдан қўймайди. Энг ёмони, номдор санъаткорлар, ҳатто «Ўзбекистон халқ артисти» деган юксак унвонга сазовор бўлган актёрлар ҳам мана шундай киноларда турли бачкана ролларни ижро этмоқда...».


Орадан кўп ўтмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур эзгу сайёҳаракатлар киночиларимиз бадий савиясини ошириш, чинакам истеъдодларнинг бошини қовуштирган ҳолда, бутун дунё халқларига кўрсатгулик, ўзбек деган миллатни, Ўзбекистон деган серкуёш юртни дунё бўйлаб ҳар жиҳатдан кенг таранум этадиган кинолар яратилишига хизмат қилишига ишонамиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ
тайёрлади.

2017-yil 19-avgust, № 66 (9027)

МАРС ЭКВАТОРИ ЎЗГАРГАНМИ?

Жон Хопкинс университети олимлари Марс сайёрасининг экваторга яқин ҳудудидан улкан ҳажмдаги сув ва муз парчаларини топгани ҳақида «ScienceAlert» илмий нашрида ёзилди.



«Mars Odyssey» орбитал аппарати орқали олинган маълумотларни қайта ва қайта кўриб чиқиб мазкур ҳуло-сага келинди. Бироқ Қизил сайёранинг бу ҳудудидagi иқлим, сув манбалари жуда кам ўрганилган.

«Mars Odyssey» Марс юзасидан 4000 километр масофада учиб ўтгани боис кумга сингиб турган сувнинг аниқ ҳажмини бевосита аниқлаб бўлмади.

Шунга қарамай, фазовий нурлар ва водород тўқнашувидан ҳосил бўлган нейтронлар мазкур жойларда обиҳаёт борлигига ишора қилмоқда. Бундан аввал 2002 йилда ҳам Марсда муз парчалари топилганди, аммо у сайёранинг кутбида аниқланган. Экватордаги музлик ёки сув эса жуда тез буғланиб кетади.

Статистик маълумотларга кўра, Марснинг нисбатан илқ ҳудудларида сув кўпроқ муз шаклида бўлиши мумкин. Олимларнинг фикрича, бу ажаб-товур маълумотлар Марснинг ўқи бир неча миллион йил олдин бошқа бурчакда бўлгани ва экваторда муз ҳажми кўпайиши тufайли силжиб кетганини тасдиқлаши мумкин.



ЭРКАК ВА АЁЛ МИЯСИДАГИ ФАРҚ АНИҚЛАНДИ

Дэниэл Амен раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи бирфотонли эмиссияли компьютер томографиясидан (SPECT) фойдаланиб, эркак ва аёллар миёсидаги асосий фарқни аниқлади.

«Journal of Alzheimer's Disease» журналида келтирилишича, нозик хилқат вакилларининг миёсидаги префронтал пардаси ва лимбик жиҳатлари эркакларникига қараганда фаолроқ экан.



Тадқиқотга 119 нафар кўнгиллилар ва бош миёси жароҳатланган, биполяр ва аффектив бўзилган, шизофрения, психоз ва витамин етишмовчилиги билан оғриган жами 26 683 бемор жалб этилди. Тинч турган ва ҳаракатда бўлган миёнинг 128 жойи сканер қилиниб, ўрганилди. SPECT марказий асаб тизимида энг асосий жараёнлар юз беришини кўрсатди.

Олимларнинг фикрича, олинган маълумотлар асосида нима учун аёллар Альцгеймер ва депрессияга эркаклардан кўра кўпроқ дучор бўлиши сабабларини топиш мумкин. Эркаклар эса хулқ-атвори бўзилишида, кўполликка мойилликда аёллардан «илгор» эканини ҳам шу тадқиқот натижалари асослайди.

Бироқ Д.Амен ва унинг жамоаси ишини танқидий баҳолаётган мутахассислар фикрича, SPECTга таяниб беморлар руҳий ҳолатига баҳо бериш доимо ўзини оқламайди, аниқроғи, ушбу нейровизуализация технологияси руҳий бўзилишлар ҳақида аниқ маълумот беришга қодир эмас.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Халқ таълими вазирлиги тизимидagi ўқитувчиларни

- Бошланғич синфларда ўқитиш ҳуқуқини бериш;
- Ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш ҳуқуқини бериш;
- Биология, география, кимё фанлари ўқитиш ҳуқуқини бериш;
- Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси ҳуқуқини бериш

бўйича касбий қайта тайёрлаш курсларига ўқишга тақлиф этади. Курсларда ўқиш муддати 7 ой. Курслардаги дарслар университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Курсларга ҳужжатлар йил давомида доимий равишда қабул қилинади ва гуруҳ шакллангач дарслар бошланади.

Дарслар куннинг иккинчи ярмида соат 14-00 дан 18-00 гача ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Вилоятдан келган ўқитувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ушбу курсларда ўқиш учун ҳар бир тингловчи томонидан 3.277. 500 (уч миллион икки юз етмиш етти минг беш юз) сўм миқдоридаги тўлов амалга оширилади.

Тингловчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

1. Диплом, илова(асли шахсан кўрсатилади).
2. Диплом, илова нусхаси (нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши лозим).
3. Меҳнат дафтарчасидан нуска.
4. Иш жойидан маълумотнома.
5. Тиббий маълумотнома (0-86-форма).
6. 3,5x4,5 ҳажмидаги 6 дона расм.
7. Иш жойидан талабнома.
8. Ҳужжатлар тўплами учун 1 дона папка.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.

Низомий номидаги ТДПУнинг 2-биноси, 1-қават (Бошланғич таълим ва жисмоний маданият факультети). Ёки 3-бино 1-қават (Тайёрлов бўлими).

Мурожаат учун телефонлар: (+99890) 931-60-73, (+99897) 700-28-73, (+99871) 276-84-34, (+99897) 130-41-24.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедраларида мавжуд қуйидаги бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудир лавозимига:

1. "Коррекцион педагогика" кафедраси (1).
2. "Муҳандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
3. "Бошланғич таълим методикаси" кафедраси (1).
4. "Зоология ва анатомия" кафедраси (1).
5. "Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
6. "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси (1).

Танловда қатнашишни хоҳловчилар эълон берилган кундан бошлаб 30 кун ичида қуйидаги манзилга ариза билан мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кадрлар бўлими. Мурожаат учун телефон: (0-371) 255-68-70, 255-50-79.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2017 йилда жиҳозлаш манзилли дастури доирасида умумтаълим мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича танлов савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.

Танлов савдосида мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган, сифат ва баҳо борасида хариддоргир махсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танлов савдосини ўтказиш жараёнлари ва тартиби, таълим муассасаларига харид қилинадиган жиҳозларнинг максимал нархи, миқдори, техника таъминотлари тўғрисида батафсил маълумотларни вазирлиқнинг www.xtv.uz сайтидан олиш мумкин. Қўшимча маълумот учун манзил:

100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Телефонлар: (0-371) 239-41-11, 239-18-24, 239-89-58.

Факс: (0-371) 239-18-24.

Шунингдек, танлов савдосида иштирок этиш истагини билдирганлар Халқ таълими вазирлигига 2017 йил 28 август кўни соат 15:00 дан кечикмаган ҳолда ўз тақлифларини конвертга солинган ва муҳрланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

Кўрсатилган муддатдан кечиккан тақлифлар ва мурожаатлар инобатга олинмайди.

Хавфсизлик катардан асрайди

Кундалик ҳаётимизни зангори оловсиз тасаввур этиш мушкул. Ундан тўғри фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этиш ёнгин хавфсизлигини таъминлайди.

Газ плиталари ёнида бензин, керосин каби ёнувчан суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан ноқонуний фойдаланиш, ёш болаларнинг гуғурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнгин келтириб чиқарувчи асосий омиллар саналади. Учқун текканда ёниб кетадиган айрим моддалар борки, уларни иссиқлик манбалари ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Лак, бўёқ, меbel, синтетик кийимлар шулар сирасига кирди.

Кейинги пайтда кўп қўлланилаётган кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишдан

ташқари ўзидан кўплаб зарарли моддалар ажратиб чиқаради. Бу эса инсон саломатлигига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Азиз юртдошлар, оловдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя эт-сак, ёнгин тufайли одамларнинг ҳаёти, соғ-лимига етадиган зарар ва талафотларнинг олди олинади.

З.АКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи бўлими инспектори, капитан,
К. ҲАСАНОВ,

Тошкент шаҳридаги «Маърифат маркази» ЁХБ инспектори, сержант,
Б.МИРТУРСУНОВ,
Мирзо Улугбек тумани ЁХБ инспектори, катта сержант,

Gurung

Халқ мақоллари, маталлари-да бир ҳикмат бўладики, у ҳикматли сўз деб аталади ва асрлар оша оғиздан-оғизга кўчади.

Гап кўп, кўмир оз, деган иборада мен чуқур маъно, тағдор фикр кўрмадим. Сўхбат чўзилса сандалнинг чўғи совуб қолгани учун шундай дейдиларми? Бу гапда не бадийят, не ҳикмат бор?

Ҳайлашимча, бу ибора аслида гап кўп-ку, умр оз бўлган.

Кўмирга айланган умр

Ку юкласининг кейинги сўзга кўшилиб кетишидан **умр кўмирга** айланган. Аслиятни тикласак, дунёнинг дардини айтишга умр етмайди, деган фалсафий хулоса чиқади.

Бу сингари замонлар оша тилдан-тилга ўтиб, сўзлари, ҳарфлари ўзгариб кетган, асл маъносини йўқотган мақол ва маталар кўп.

Халқда **Меҳмон отангдан азиз, Устоз отангдан улуг** деган ҳикмат бор. Бирор ақили зот, отадан улуг, отадан азиз инсон бўлмайди, деб айтган чоғи, кейинги вақтда Меҳмон отангдек азиз, Устоз отангдек улуг дейиш урф бўлди.

Отадан улуг ва азиз кишининг йўқлиги ҳақиқат. Айнан шунинг учун ҳам бу ташбеҳ ишлатила-

ди. Мақол халқ ижоди. Ижод бадийятсиз, бадийят муболагасиз бўлмайди. Инсон боши тошдан қаттиқ, деймиз. Тошдан қаттиқ нарса йўқлиги учун шундай деймиз. Тоғни урса толқон қилади-ган йигит, деган гап бор. Тоғни майдалаб бўлмаслиги учун бу мақол қудратли ва боқий. Дунёни сув босса, тўпигига чиқмайдиган одам бўлмайди. Соч билан кўча супурилмайди, кўз ёши билан сув сепилмайди. Лекин

гани сари тасаввур кучи камайиб бормоқда. Завк-шавқ ўрнини совуқ ҳисоб-китоб эгалламоқда. Ақл ва юрак баҳсида ҳиссиёт енгилиб, қуруқ мантиқ ғалаба қилмоқда. Бу жамият учун хатарли ҳол. Ўзбек аскияни унутса, дўстона ҳазилларни эсдан чиқарса, сўзнинг латофатини англамай қолса, бу фалокатдир.

Мақолни таҳрир қилувчи хушёр дўстларга маслаҳатим бор: Агар «дан» ўрнига «дек»

ёғ юрган кўчаларни супурай сочим билан, чанги чиқса сув сепай кўзлардаги ёшим билан, дея қўйланади. Буни лутф дейдилар. Завки йўқ одам лутфни англамайди. Бир дўстимиз бўларди. Латифа айтсалар қулмас, «йўғ-эй, бунақа бўлиши мумкин эмас» деб турарди. Шу дўстимиз адабий танқидчи бўлди, лекин адабиёт нима эканини, гўзаллик нима эканини англамай хўмрайганча дунёдан ўтиб кетди.

Меҳмон отангдан улуг, деганда биз аввало отани улуглаймиз. Отадан азиз, отадан улуг зотнинг йўқлигини муболага воситаси билан тасдиқлаймиз.

Нега мен бу арзимас хатога ёпишиб олдим? Гап шундаки, одамларда тафаккур кучи орт-

қўйишни жуда хоҳласангиз, халқнинг бошқа бир ибораси борки, уни шундай таҳрир қилса савобли иш бўларди.

“Тўйлар қилинг, қамишдан бел боғлаб хизмат қилай,” дейдилар. Аслида қамишдан бел боғлаш эмас, қамишдек бел боғлаб хизмат қилиш тўғрироқ бўлади. Қамиш неча бўғинли бўлса, шунча қарра бели боғлиқ, Ичининг бўм-бўшиги ёмай-ичмай хизмат қилишга, шамолда тебраниши тинч турмасликка, иш учун эгилишга, елиб-югуришга тимсол. Хипчалиги, ингичкалиги эса меҳнатга шай турган ёш йигитчадек. Мана буни ҳикмат деса бўлади...

(Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” китобидан.)

Расул ҲАМЗАТОВ

Дунёнинг энг биринчи шоирлари

Онам бешигимни тебратиб айтган алла қулоғим тағида жарангламаган бирон кун, бирон дақиқа бўлмаган, десам муболага эмас. Бу алла менинг барча қўшиқларимни аллалаб улғайтирди.

Доғистон — сен менинг онамсан! Мен билан баҳслашмоқчи бўлганлар, шуни доим ёдда тутинг. Мени хафа қилиш мумкин — барига чидайман. Бироқ менинг Доғистонимга тил теккиса кўрманг.

Шеър шундай бўлиши керакки, уни ҳеч тортинмай онамга, қизинга, синглинга ўқий олгин.

Дунёда учта қўшиқ бор: биринчиси — она алласи, иккинчиси — она марсияси, учинчиси — қолган барча қўшиқлар.

Агар беланчақлар узра аллалар айтилмаганда, эҳтимол, дунёда бошқа қўшиқлар яра-

тилмасди. Одамларнинг умри мазмунсиз кечарди, уларнинг ҳаётида шеърый ҳис-туйғулар камроқ бўларди, дунёда камроқ қаҳрамонликлар кўрсатиларди.

Оналар — дунёнинг энг биринчи шоирлари! Улар ўғил-қизлари қалбига шеърят уруғларини сепишади, йиллар ўтиб бу уруғлар гул бўлиб очилади. Шу боис, эркаклар энг оғир, энг ғамгин дамларда, энг қалтис лаҳзаларда онаси айтган аллаларни эсга олади.

Оналар алласи — инсоният яратган қўшиқларнинг ибтидоси.

Одамлар! Қалбингиз қопламасин занг, Қадрланг ғанимат ҳар бир паллани. Мунос оналарни асранг-авайланг, Эслаб туринг, улар айтган аллани.

Асрор МҲМИН таржимаси.

Мактуб

Izhor

Шу дамда сенинг ёнингга бўлиб, хаста юрагингга малҳам бўлолмайман. Мени деб нурсиз қароқларингдан оққан кўз ёшларингни арта олмайман, Она Юрагининг қулига айланган, севиғи кўзини кўр қилган, гоҳи дўст, гоҳи душмандан баттар ғурурини деб ёнингга боролмаётган мен бахтиқарони кечир!

...Ойнадан нарида ёмғир. Ишон, ҳар бир томчиси бағримни тешиб ёғаяпти. Тилкаланган бағрим узра жонсарак юрагим соғингча дўниб бораётир. Гўё тиконлар устида ётган-декман. Борлиқни қоплаган тун эса илон янглиғ ютоқиб, мени тобора қаърига тортаётгандек...

Чил-чил синган ишончимнинг синиқларини терганча, зулмат умрим йўлларида девонаваш тентираб,

нур излайман. Ҳаётнинг ғамнок қаҳратонларида севиғи олови билан юрагимни иситаман, унинг оташи умримни гуллатади дея хомхаёлга берилган кунларимдан бутун қолгани пушмон, холос. Тақдир синовлари қаршисида уни деб дунёлардан кечганим — муҳаббатдан зарра учкун қолмади. Бир пайтлар юрагимни ёққан ишқ оловининг оташин тафтини сезмаяпман. Вафони қошимда зор йиғлатиб, мендан кечиб кетган ёрнинг изларига термуламан...

Атрофга аланглаб бир пайтлари

шодликларни елкама-елка баҳам кўрган дўстимни қидираман. Қувончли, бахтли онларда хурсандчилигимга шерик бўлган ҳамроҳимни излайман. Бироқ чор тараф кимсасиз. Ҳеч ким йўқ. Таассуфки, ўзини дўст атаган ҳарифларнинг барчаси омад билан бирга қўздан ғойиб бўлишган.

Тун. Азоблардан оғриққан юрагим дол солганча кўксимга тинмай бош уради. Кўз ёшларин ичимга, юрагимга томади. Дард келадиқо ёдимга онам келади. Бор вужудим овозга айланиб, бир сўзни такрорлайди: КЕЧИР!

Матназар АБДУЛҲАКИМ

Дарсдан сўнг

Кимнидир койиди чеккани учун, Тортиб олиб қўйди гутуртини ҳам. Машқ дафтарларини йиғди-да, сўнгра Бир-бир санаб кўрди. Етти дафтар кам. “Ҳар гал шундай аҳвол. Уялмайсизми? Келасиз ўқишмас, қилиш учун сайр. Бу сафар ҳам икки қўймай тураман, Эртага қолганлар топширсинлар. Хайр”. Киш куни — бир тутам. Қорайганди қош, Иккиланди. Ўтмак керак, ахир, қирдан. Эри ҳам келмади олиб кетишга “Кўнгли совидими...” — ваҳм этди бирдан. Ҳамкасб дугонаси қистовга тутиб, “Тунаб кетинг, — деди. — Кеч бўлиб қолди”. Кўнмади. Қўлтиқлаб машқ дафтарларини, Уйга ёлғиз ўзи яёв йўл олди. Овул тугаб, энди қирга чиққанда, Оқшом қуюқ эди, атроф сим-сиёҳ. Йўлдан қайтмоқчи ҳам бўлди бир ўйи. “Ўғлим хасталаниб қолдимикан ё...”. Юрагини баттар ваҳима босди, Қамради тундан ҳам баттар бир кўрқув. Ўнқирми, чўнқирми, ўрми, қир демай Яна кетаверди, кетаверди у. Мулҳис бир шарпани илғади ногоҳ, Разм солса қашқир. Қиларди таъкиб, Эслади йиртқичнинг кўрқилиш ўтдан, Изига бир дафтар ташлади ёқиб. Қашқир тўхтаб қолди. Сўнг — яна, яна, Муаллима омон топган бу олов Йиртқичга берарди иложсиз сабр. Йўловчи — ёқарди, қашқир — тўхтарди, Тин оларди икков ҳар дафтарда бир. Йўл узок, тун қаро, қашқир эса оч, Оч йиртқич биларми надир салоқат. Уйга яқин қолган вақтда тутали Муаллима дафтар, қашқирда — тоқат. Уввос фиғон тутди қишлоқни тонгда, Замин аза очди, замон йиғлади. Дафтар топширмаган етти ўқувчи Ҳаммадан ҳам ёмон йиғлади. Нўноқ назмим учун афв эт, халқим, На олим, на фозил, на сўз пириман. Ўз вақтида дафтар топшира олмай Қолган болаларнинг бириман. Мен яхши биламан, тумор қилмайди Ёзган шеърларимни ошиқлар. Мен яхши биламан, қўшиқларим жўн, Биламан, булар бир оддий машқлар. Лекин... кетмакдасан келажақ сари Тап тортмай қисматнинг дашт, қирларидан. Ўзимча асрагим келади сени Ёвузлик, хиёнат қашқирларидан. Мен машқ бажараман, ёзаман ҳар кун Дараклар, сўроқлар, хитобларимни. ...Сен йўл бўйи ёқиб ташлаб кетавер Қашқирлар кўрқувчи китобларимни!!!

«Бу дунёда ҳамма сендан кечиши мумкин, онадан бошқа...». Мен бу гапни кўп эшитганман. Бошқаларга маслаҳат оҳангига айтганман ҳам. Лекин ҳис қилмаган эканман бу гапни.

...Она, айтганидан гапларим жуда кўп. Лекин аввал бағрингга бош қўйиб, алғов-далғов ҳаётнинг шовқинларидан холи бўлсам, ҳаловатни туйсам. Тандиридан узиб берганинг иссиқ қулчаларни ариқда оқизган, шўхликлари оламини тутган беташвиш болагимга бир зум қайтсам.

Она, дунёларни бир четга суриб ёнингга ошиқман. Дил дафтаримдаги ушбу мактубни кўзларимдан уқа олишингни биламан. Йўлдаман...

Мухайё ИСМОИЛОВА

2017-yil 19-avgust, № 66 (9027)

Харакатли ўйинлар эътибордан четда қолмасин!

Izlanish va samara

Янги тахрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун тизимда ўзига хос ислохотлар даврини бошлаб берди. Айниқса, юртимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, миллат генотипини яхшилаш, ёшларнинг жисмоний камолотини таъминлаш мақсадлари янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, ўтган йили Бразилия мезбонлиги қилган XXXI ёғи Олимпия ўйинларида Ўзбекистон миллий терма жамоаси 207 мамлакат орасида 21-ўринни, бокс бўйича 1-ўринни эгаллагани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Спорт — бу аввало ҳаракат инъикоси. Шундай экан, бир жойда тўхтаб қолиш, мавжуд ютуқлар билан қаноатланиш спортчиларнинг табиатига мутлақо ётди. Аммо натижадан натижага ўсиб бориш, бронза медални қумушга, қумушнинг эса олтинга айлантириш улкан меҳнат талаб этади. Ваҳоланки, бу халқаро стандартларга мос ўқув машғулотларини ташкил этиш ва уни оптимал тизимга тушириб олишни талаб қилмоқда.

Иқтидорли ёш олим, 40 дан зиёд илмий ишлар муаллифи Сойиб Тожибоев педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзган «Ёш боксчиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси» мавзусидаги диссертациясида ана шу омилни тадқиқ этиб, мазкур методикаларнинг самарадорлигини педагогик тажриба орқали асослаб берди.

Эътиборли жиҳати шундаки, **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини хузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашда қарийб 6 йиллик танаффусдан кейин спортга оид диссертация — Сойиб Тожибоевнинг илмий иши муваффақиятли ҳимоя қилинди.** Ушбу тадқиқот иши ва унинг ўзига хослиги ҳусусида диссертант мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Бугун жисмоний тарбия ва спорт дунё ҳамжамияти эътиборидаги энг устувор соҳалардан бирига айланди, — деди С.Тожибоев. — Жаҳон миқёсида болалар ва ўсмирлар спортини назарияси ва амалиётига оид, иқтидорларни топиш ва саралаш, машғулотларни режалаштириш, руҳий, жисмоний, техник-тактик ва функционал тайёргарлик устида ишлашга доир қўллаб-таъминловчи қилинган. Бироқ уларнинг ҳеч бирида болаларни спортга қизиқтиришда ҳаракатли ўйинларнинг ролига, самарадорлигига эътибор берилмаган экан. Жумладан, ҳаракатли ўйинлар ёш боксчиларни тайёрлашда энг яхши восита экани тажрибаларда синаб кўрилмаган. Уни машғулотларга татбиқ этиш методикаси ишлаб чиқилмаган ва табиийки, унинг самарадорлиги асослаб ҳам берилмаган экан. Аслида эса, ҳар бир ўқув машғулоти спортчининг ёшини инобат-


га олинган ҳолда ўтказиш республика ва халқаро миқёсдаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу боис, илмий изланишда ўз олдига табақалаштирилган ҳаракатли ўйинлардан мақсадли фойдаланган ҳолда, 11—13 ёшдаги хаваскор боксчилар ҳаракат тайёргарлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш ва тахрибада асослаб беришга ҳаракат қилимиз.

Чиндан ҳам, спортда шош-қалоқликка йўл қўйиб бўлмайди. Мутахассислар (хусусан, А.Ширяев, Л.Волков) фикрига кўра, спортчиларнинг тўлақонли ривожланиши ва жисмоний сифатларининг ўсиши, қисқаси, спорт турининг дастлабки техник ҳаракат элементларини ўзлаштиришида энг муҳим давр 10—13 ёш оралиғига тўғри келаркан.

Сойибжон ўз тадқиқоти орқали ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиб, ёш спортчиларни техник-тактик кўникмаларга ўргатиш методикаси 11—13 ёшли боксчиларда оёқ ҳаракатларини 9—13, ҳимоя ҳаракатларини 11—15, тактик ҳаракатларини 13—17 фоизга яхшилашни исботлаб берди. Бунда уларнинг қаҳқонлик, тезкорлик, эгилувчанлик ва чидамлилиқ сифатлари ҳам сезиларли ўсган. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан муваффақиятли ўтгани бежиз эмас.

Тадқиқот мобайнида машғулотларнинг бошланғич даврида болаларнинг спорт тўғрақларини ташлаб кетиши сабаблари ҳам ўрганилди. Бу ҳолатнинг олдини олишда амалий тавсия ва таклифлар тайёрланди. Боксга хос ҳаракат фаолияти биокинематикаси ўзаро таққосланиб, ҳаракатли ўйинлар табақалаштирилди, ўйинларнинг шиддати ва ҳажм меъёрлари аниқланиб, уларни ўқув машғулотларига татбиқ этиш методикаси ишлаб чиқилди.

Илмий иш йўналиши бўйича юртимиз спортини ривожига ҳисса қўшиб келаётган турфа тоифали тренерлар ўртасида суҳбат ва сўроvnomalар ўтказилди. **Респондентларнинг 68—71 фоизи бошланғич тайёргарликда ёш боксчиларнинг техник тайёргарлигини оширишда «Аравачалар мусобақаси», «Ким бир оёқда тез сакрайди?», «Панжа уриш», «Тарвуз отиш эстафетаси», «Тўлдирма тўп билан**



югуриш» сингари ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишни маъқуллаган. Зеро, бокс техникасини ўзлаштиришда кўп сонли ҳимояланиш ва ҳужумга ўтиш ҳаракатларини қийинлаштирувчи ёки қулайлаштирувчи ҳолатлар, яъни жойидан кўзгалиш, силжиш, ҳужумга ўтиш ва ҳимояланишда оёқларни энгил ҳаракатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Спорт билан шуғулланиш, давомийлик ва юқори кўрсаткичларга эришиш шахснинг фаоллиги билан боғлиқ бўлиб, бунинг замирида мотивация ётади. Сўроvnomalар натижаси шунини кўрсатдики, ўқув-машғулотларида ўйин усулларининг кам қўлланилаётгани болаларда спорт турига бўлган мотивациянинг ҳам тобора сўнишига сабаб бўлади.

— Тадқиқотдан олинган илмий-услубий ва дидактик маълумотларни Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини хузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига ўқитиладиган «Болалар ва ўсмирлар спортини долзарб масалалар» модулининг ўқув дастурларига киритиш лозим, — деди диссертантнинг илмий раҳбари, педагогика фанлари доктори, профессор Рустам Холмухаммедов. — Шунингдек, яккакурашнинг бошқа турларига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқув дастурларига, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган мақсадли дастурларга ҳам бемалол татбиқ этса бўлади.

Ҳозирча ёш олим С.Тожибоев ўтказган тадқиқотлар натижасида яккакураш спорт турларига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида бошланғич тайёргарлик босқичининг 1-ўқув йилида шуғулланувчилар учун ўқув машғулотларига ҳаракатли ўйинларни қўллаш меъёрлари тақсимланди. Тадқиқот натижалари «Boks nazariyasi va uslubiyati», «Yakkakurash sport turlari: Boks», «Bokschilarning sport-pedagogik mahoratini oshirish» электрон мультимедиа дарсликлари мазмунинда ўз ифодасини топди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

ЭЪЛОН


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби 2017-2018 ўқув йили учун биринчи ва олий тоифали ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилади.

Танлов жорий йил 21—26 август кунлари ўтказилади.

Мурожаат учун телефон: (0-371) 240-51-18.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор Ц 17/18.

(мўлжал: Олмазор тумани марказий поликлиникаси)



«РЕАЛ»НИНГ ЯНА БИР РЕКОРДИ

«ОртаJose» статистика маркази Мадриднинг «Реал» клуби Европанинг етакчи беш чемпионати грандлари орасида натижадорлиги бўйича рекорд қайд этгани ҳақида хабар берди.

Зайниддин Зидан шогирдлари кетма-кет ўтказган 68 матчнинг барчасида рақиб дарвозасини ишғол этган. Рекорд гол эса мадридликларнинг иқтидорли ёш вакили, ярим ҳимоячи Марко Асенсio ҳисобига ёзилди. Унинг Испания суперкубоги учун кечган жавоб баҳсининг 4-дақиқасида «Барселона»га урган голи Испания, Англия, Германия, Италия ва Францияда энг узок давом этган тўпурарлиқни олиб келди, дея қайд этилди.

АРОНЯН — ЯҚҚОЛ ЕТАКЧИ

Сент-Луис (АҚШ) шаҳрида давом этаётган шахмат турнирида армянистонлик гроссмейстер Левон Аронян етакчилик қилмоқда.

ТАССда келтирилишича, ушбу нуфузли мусобақада 10 нафар энг донгдор шахматчи қатнашмоқда: Ян Непомнящий, Сергей Карякин ва Гарри Каспаров (Россия), Хикару Накамура ва Фабиано Каруана (АҚШ), Вишванатан Ананд (Хиндистон), Давид Навара (Чехия), Ленъер Домингес (Куба), Ле Куанг Лем (Вьетнам) ва Аронян.

Турнир жадвалида Аронян 18,5 очко билан пешқадам бўлиб турибди.

КЕНИЯ ТАРИХДА ҚОЛИШИ МУМКИН

Енгил атлетика бўйича 2023 йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатида мезбонлик қилиш иштіёқига бўлган давлатлар орасида Кения ҳам бор, дея хабар берди АРР расмий манбаси.

Агар кенияликлар мақсадига етиб, ғалаба қозонса, Африка қитъасининг мазкур чемпионатини илк бор қабул қилган мамлакат сифатида тарихга қиради. Кения йилда ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини ўтказишга улгурди.

Эслатиб ўтамиз, яқинда енгил атлетика бўйича Лондон шаҳрида няхёсига етган жаҳон чемпионатида кенияликлар умумжамоа ҳисобида 5 олтин, 2 қумуш ва 4 бронза медал жамғариб, 2-ўринни банд этди.

СУАРЕС ЎЙИНДАН ЧИҚДИ

Американинг Цинциннати шаҳрида теннис бўйича ўтказиладиган халқаро мусобақанинг учинчи турида испаниялик Карла Суарес-Наварро россиялик Светлана Кузнецовага имкониятни бой берди.

«Спорт» нашрида ёзилишича, Хотин-қизлар теннис ассоциацияси (WTA) ўтказиладиган мазкур турнирнинг умумий ютук жамғармаси 2,5 миллион долларни ташкил этади.

Карла 1 соат 18 дақиқа давом этган матчда Светланага 2:6, 4:6 ҳисобида енгилди. Энди С.Кузнецова навбатдаги раундда Гарбинне Мугурса (Испания, 4) ҳамда Мэдисон Киз (АҚШ, 16) баҳси қолибга қарши қорғат қиқади.

Турнир 21 август кўни якунланади.

У ИККИНЧИ МАРТА КЕТДИ

Таниқли америкалик боксчи Шейн Мосли ўнг қўлидаги жиддий огрик туфайли профессионал спорт билан хайрлашмоғи мажбур бўлди, дея хабар берди «Worldboxingnews» портали.

45 ёшли қаршилаган боксчи май ойида россиялик Муҳаммад Қурбоновга қарши рингга чиқиши керак эди, аммо тирсқадаги жароҳати боис муштлашув бекор қилинган.

Мосли ўз вақтида бокс оламининг энг порлоқ юлдузларидан бири эди. Уч вазн тоифасида жаҳон чемпионлиги камари соҳиби бўлган. Боксчи 2013 йили австралиялик Энтони Мандайнга енгилганда ҳам катта спортдан кетганди. Лекин 2015 йили яна рингга қайтиб, никарагуалик Рикардо Майорини енгди. Кейин венесуэлилик Патрик Лопесни мағлуб этиб, россиялик Давид Аванесянга ютқази.

3.ХОЛОВ тайёрлади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси ихтимойи фанлар факультети деканининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Қаҳрамон Қаюмовга акаси

Хусниддин ҚАЮМОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.




Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи

2017 йилдан бошлаб "Шарқ юлдузи", "Ёшлик",
"Жаҳон адабиёти" журналлари ҳамда "Китоб дунёси"
газетаси кутубхонаси рукнида ўзбек ва жаҳон адабиётининг
энг сара намуналарини нашр этишни бошлади.

Сизга тақдим этилаётган ушбу нодир асарлар
Қалбингизга нур ва маърифат олиб киради, деб ишонамиз.



Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент шаҳри,
Лабзак кўчаси, 86-уй. Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82,
(+99893) 791-00-70, (+99890) 331-32-00. www.gglit.uz, e-mail: info@gglit.uz.

Махсулотлар сертифициланган.
Хизматлар лицензияланган.

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. T-815. Tiraji 34151.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqir
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 23.05 Topshirildi — 23.50

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA.
Navbatchi:
Faxriddin RAHIMOV.

1 2 4 5 6